

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

*МИРЗАҚОБИЛОВА МАДИНА ТОҒАЙМУРОД
ҚИЗИНИНГ*

**ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ИХТИСОСЛАШГАН
НАШРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА УНДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ
МАСАЛАЛАРИ**

мавзусида 5A220102 – халқаро журналистика таълим йўналиши магистрлик
академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»
_____Халқаро журналистика
назарияси ва амалиёти кафедраси
мудираси ф.ф.н, доц. Н.Тошпўлатова
2017 йил «___» _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:
_____ ф.ф.н.,доц.
Н.Тошпўлатова
2017 йил «___» _____

Тошкент – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАКОНДА ИХТИСОСЛАШГАН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ЖУРНАЛИСТИКАДА ИХТИСОСЛАШУВ	
1.1. Замонавий ОАВда ихтисослашувнинг зарурати.....	9
1.2. Ихтисослашган журналистиканинг замонавий тенденциялари.....	21
II БОБ. ЖАМИЯТДА АХБОРОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИХТИСОСЛАШГАН НАШРЛАРНИНГ ЎРНИ	
2.1. Ўзбек матбуотида ихтисослашган нашрларнинг таснифи.....	32
2.2. Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрлар ва уларнинг ахборот алмашинув жараёнларидаги иштироки.....	43
III БОБ. ИХТИСОСЛАШГАН НАШРЛАРГА КАДРЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	
3.1. Ихтисослашган нашрларда фаолият юритаётган журналистларга қўйиладиган талаблар.....	57
3.2. Таълимга ихтисослашган журналистларни етиштиришда «Маҳорат мактаблари»нинг ўрни.....	68
ХУЛОСА	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	83
ИЛОВАЛАР	87

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Таълим-тарбияни йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг сифатли ва узлуксиз таълим олишини таъминлаш мақсадида мактабларнинг ўқув ва моддий-техник базаси мустаҳкамлаб борилмоқда. Бу, албатта, ҳар бир юртнинг бугуни ва келажаги том маънода, мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топгани билан белгиланишига боғлиқ. Юртимизда таълим тизими ислоҳотида устувор вазифа сифатида қаралишининг замирида ҳам аynи фарзандларимиз келажак тақдирини ўйлаш орқали Ватаннинг эртанги тараққиётини кўриш ғояси мужассам. Бу ишларнинг узвий давоми ва амалий ифодаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги ва «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»² ва бир қатор олий ўқув юртлари фаолиятига оид қарорлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Таълим-тарбия соҳасидаги янгиликлар, ислоҳотлар ва яратилаётган имкониятларни кенг оммага батафсил етказишда шу йўналишга ихтисослашган нашрларнинг ўрни катта. Сабаби, унда бу соҳани яхши тушунадиган, қарор ва унинг ижросини содда тилда баён этадиган журналист кадрлар фаолият юритади. Улар эркин ва самарали фаолият олиб боришлари учун барча зарур имконият ва шароитлар яратилган. Соҳага доир ўнлаб қонун ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, босма, электрон нашрлар, ахборот агентликлари, теле- ва радиоканалларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, мавжуд каналлар таркибида қўшимча янги каналлар, шунингдек, янги хусусий каналлар ҳам ташкил этилди.

¹ <http://uza.uz/oz/documents/-yillarda-maktabgacha-talim-tizimini-yanada-takomil--30-12-2016>

² Халқ сўзи, 2017 йил 16 март №53 (6747).

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимиздаги оммавий ахборот воситаларининг сони 1514тани (1015та босма ОАВ, 100та ТВ ва радиолар, 395та веб-сайтлар ва 4та ахборот агентлиги рўйхатдан ўтказилган)³ ташкил этади. Бу кўрсаткични 2013 йилдаги 1326, 2014 йилдаги 1372, 2015 йилдаги 1395, 2016 йилдаги 1463 сони билан таққослаганда ўсиш динамикасини кўриш мумкин. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшаётган миллатларнинг 7та тилида ва сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20дан ортиқ ихтисосликларда фаолият олиб боради. Ушбу ихтисосликларни босма ОАВ ихтисослашуви мисолида, фоизларда кўриб чиқадиган бўлсак, сиёсий 24 фоиз, таълим 13 фоиз, иқтисодий 10 фоиз, ҳуқуқий 3 фоиз, тиббий 5 фоиз, хотин-қизлар 2 фоиз, кўнгилочар 29 фоиз ва бошқалари 14 фоизни ташкил этишини кўрамиз⁴. Кўриб турганимиздек, таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг ўз ўрни бор. Умуман олганда ҳар бир ОАВда фаолият юритаётган журналист кадрларнинг малакасини ошириш, ёш журналист кадрлар тайёрлаш ва бу борада эришилаётган ютуқ ва муаммолар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни тезкор, холис, таҳлилларга асосланган ҳолда кенг оммага етказиш журналистлардан янада пухта билим, маҳорат, ижтимоий фаоллик ҳамда ёритилаётган соҳани чуқур билишни талаб этади. Бу эса журналист кадрларнинг ихтисослашувини кун тартибидаги муҳим масалага айлантирмоқда. Бу мазкур ишнинг долзарблигига бевосита тааллуқлидир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади демократик жамият ривожига ихтисослашган нашрларнинг ўрни ва талаба-журналистлар ихтисослашувида маҳорат мактабларининг ўрни ҳамда ролини ўрганиб, таҳлил қилишдан иборат. Шунингдек, журналистикада

³ <http://www.api.uz/#uz/content/licence/statistics/>

⁴ Ўша манба.

ихтисослашувнинг заруратини, талаба-журналистлар таълим-тарбияга ихтисослашувида «Ma'rifat» газетаси қошидаги маҳорат мактаби, «Бошланғич таълим» журнали таҳририяти қошидаги «Журналист» маҳорат мактабларининг тутган ўрни, ўрганилган объект мисолида илмий хулосалар чиқаришни кўзда тутди.

Кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** амалга оширилади:

- журналистикада ихтисослашувнинг заруратини, айниқса, ОАВ тури, соҳа ва мавзусига қараб ихтисослашувнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш;
- таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг ўзига хослигини тадқиқ этиш;
- соҳага оид материалларни ёритишда журналистдан талаб этиладиган сифатларни кўрсатиш;
- маҳорат мактабларининг талаба-журналистлар ихтисослашувидаги ўрнига баҳо бериш;
- демократик жамият ривожига, глобаллашув шароитида таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг даражасини аниқлаш;
- жаҳондаги бу йўналишдаги нашрлар билан миллий нашрларимизни қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти «Ma'rifat» ва «Учительская газета» (Россия) газеталари, «Бошланғич таълим» журнали ва улар қошида ташкил этилган маҳорат мактаблари ҳисобланади. **Предмети** эса уларнинг соҳа янгиликлари ва муаммолари ёритилган материаллари, нашрлар қошидаги маҳорат мактабларининг концепцияси, ўқув дастурлари ҳамда дарс ўтиш услублари ташкил этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ихтисослашув термини XX аср охиридан иқтисод соҳасида фойдаланила бошлаган бўлса, миллий журналистикамизда сўнгги йилларда маълум соҳада махсус билим ва

кўникмаларга эга бўлиш маъносида тез мурожаат этиладиган сўз сифатида оммалашди. С.М.Гуревич (ихтисослашувнинг иқтисодий жиҳатлари)⁵, М.Н.Ким⁶, Д.Эверетт, Б.Я.Мисонжников⁷, А.Н.Тепляшина каби олимлар ўз тадқиқотлари ҳамда китобларида ихтисослашув масаласига тўхталиб ўтишган. Миллий журналистикамизда А.Терехина педагогик журналистика бўйича изланиш олиб борган. Аммо айнан таълим-тарбияга ихтисослашув, бунда маҳорат мактабларининг ўрни хусусида тадқиқотлар ҳалигача қилинмаган.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Ишнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси ОАВга доир қонун ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қарор ва нутқлари ташкил этади.

Назарий жиҳатдан ўрганиш ва фикрларни асослаш учун журналистикага оид илмий китоблар, ўзбек ва хориж мутахассислари томонидан ёзилган адабиётлар, дарслик, қўлланма, тўпламлар билан ишланди. Мақолада факт билан ишлашда журналист маҳоратига амалий мисоллар келтириш учун ўзбек ва хориж матбуоти, интернет тармоғига мурожаат қилинди.

Тадқиқот усуллари. Соҳага оид материалларни таҳлил қилишда контентанализ, қиёслаш, кузатув ва солиштириш методларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациянинг илмий янгилиги. Миллий журналистикада ихтисослашув масаласига мурожаат этилган бўлса-да, бу борада алоҳида тадқиқот амалга оширилмаган. Шу нуқтаи назардан мазкур диссертациянинг илмий янгилиги «Ma'rifat» газетаси ва «Бошланғич таълим» журнали қошидаги маҳорат мактабларининг талаба-журналистлар

⁵ Гуревич С.М. Экономика отечественных СМИ. Учебное пособие. - М, 2004.

Газета: вчера, сегодня, завтра. Учебное пособие. - М, 2004.

Номер газеты. Учебное пособие. - М, 2002. Экономика средств массовой информации учебные пособия.

- М, 2000. Редакция газеты: структура, организация работы. Учебное пособие. - М, 2000.

⁶ Ким М.Н. Технология создания журналистского произведения. – Санкт-Петербург, 2001.

Ким М.Н. Основы творческой деятельности журналиста. – Питер, 2011.

⁷ Мисонжников Б., Тепляшина А. Журналистика: введение в специальность. - Санкт Петербург, 2012.

ихтисослашувида тутган ўрни масалаларини ўрганилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг назарий амалий аҳамияти. Ихтисослашув масаласининг журналистика олдида турган долзарб масала эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланган. Ушбу тадқиқот ишида эса ҳали изланиш олиб борилмаган жиҳати — айнан таълим-тарбия нашрлари ва улардаги маҳорат мактабларининг талаба-журналистлар ихтисослашувида тутган ўрни ёритилган. Ишдаги назарий қарашлар, умумлашмалар, илмий хулосалар журналистик амалиётдан олингани сабабли ундан ёш журналистларда касбий кўникмаларни шакллантиришда, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети, Қорақалпоқ давлат университети журналистика бўлимида сабоқ бераётган амалиётчи ўқитувчилар ва уларда таҳсил олаётган дастлабки босқич талабалари учун репортёрлик маҳорати, янгиликлар журналистикаси, таҳлилий журналистика йўналишларида курс ишлари ёзишда мустақил таълим материали сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот бўйича чоп эттирган мақола ва тезисларнинг манбалари.

1. «Таълим-тарбия нашрларида журналистнинг ихтисослашуви» («Изланиш ва ижод» мавзуидаги талабалар илмий-амалий анжумани материаллари тўплами X китоб, 2017 йил).

2. «Ихтисослашган журналистларни тайёрлаш масалалари ва унда маҳорат мактабларининг ўрни» («Ўзбекистон тележурналистикаси тараққиёти ва трансформация жараёнлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, 2017 йил 29 март).

3. «Ўзбек матбуотида ихтисослашган нашрларнинг таснифи ва уларда ахборот самарадорлиги» («Замонавий тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик ва хорижий тиллар ўқитишнинг муаммолари» VI илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, 2017 йил 15 май).

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Тадқиқот иши кириш, ҳар бири икки фаслдан иборат бўлган уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 86 бетни ташкил этади.

I БОБ. ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАКОНДА ИХТИСОСЛАШГАН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ЖУРНАЛИСТИКАДА ИХТИСОСЛАШУВ

1.1. Замонавий ОАВда ихтисослашувнинг зарурати

Оммавий ахборот воситалари ривожланиши ва улар функцияларининг ошиб бориши билан журналистика соҳасига кўплаб бошқа соҳадаги мутахассислар жалб этилди ва В.М.Горохов айтган «Синкретизм фаолияти» (журналист муҳаррир, нашр этувчи, публицист, ташкилотчи, таҳририят котиби, баъзан саҳифаловчи бўлганлигини назарда тутган) тўхтатилди.

Бугун биз турли образдаги журналистик фаолиятни амалга оширишимиз мумкин. Журналист тушунчаси эса ҳаммага таниш. У жамоатчилик билан ишлайдиган касб. Журналистикадан узоқ бўлган киши ушбу касбнинг бошқа соҳалардан нимаси билан ажралиб туришини билмайди. Уни қуйидагича тушунтириш мумкин: ижодий билим ва махсус тайёрлов ҳамда иш тажрибаси. Унда истеъдод ва меҳнат мужассамлашсагина кўп нарсага эришиш мумкин.

Машҳур касбшунос Э.А.Климов журнализм уч типдаги касбларга алоқадорлигини таъкидлаган. Улар: ижтимоий тип (лот.-жамият), сотувчи ва ўқитувчи каби «инсон-инсон» мулоқоти жараёнида фаолият юритадиган касблар. Сигномик тип (лот.-белги) «инсон-белги»да касбни бирлаштиради. Белгилар системаси билан ишлайдиган дастурчи ва ҳисобчи кабилар билан тенглаштирилади. Артономик тип (лот.-образ, санъат) бўлиб, рассом ва ёзувчилар каби «инсон-бадий образ» тизимида фаолият юритадиган ижодий касб. Бугунги кунда техника замонавий журналистикада катта рол ўйнамокда.⁸

Журналист таҳририятнинг ходими, у тезкорлик билан ахборот йигади ва уни қайта ишлаб истеъмолчига етказди. Журналист касбини ихтисослиги бўйича дастлаб тележурналист, радиожурналист, босма нашрларда ва ахборот агентлигида ишловчи ҳамда интернетда фаолият юритувчи кабиларга ажратамиз. Улар жанрлар бўйича ихтисослашган бўлиши ҳам мумкин, масалан,

⁸ Бобков А.К. Основы творческой деятельности журналиста: учебное пособие. – Иркутск, 2005. – С. 7.

репортёрлар, публицистлар, шарҳловчиларни ихтисослашган дея оламиз. Шунингдек, журналистларни иш йўналишига қараб ҳам таснифлаш мумкин: халқаро журналист, махсус мухбир соҳаларга оид журналист, сиёсий, иқтисодий ёки спорт шарҳловчиси, реклама журналисти, телерепортёр ва ҳоказо. Журналистнинг асосий вазифаси бу — ўз ОАВ аудиториясини улар истаган ахборот билан таъминлашдир. Ҳар бир журналист жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштирок этади. Шунинг учун бу соҳани тўртинчи ҳокимият деб ҳам аташади. Журналист ва аудитория ўртасидаги алоқа ахборот канали (босма ОАВ, телевидение, радио, интернет) орқали амалга ошади.

Журналистика жамиятда ижтимоий феномен, маънавий ишлаб чиқарувчи — ижтимоий фикр ва оммавий ахборотни тайёрловчи соҳа сифатида ажралиб туради. Унда ишлаб чиқарувчи, маҳсулот ва унинг истеъмолчиси мавжуд. Оммавий ахборот воситаларида фаолият юритадиган журналист аҳли ишлаб чиқарувчи бўлса, улар тайёрлайдиган маҳсулот — оммавий ахборот ва журналистик асар ҳисобланади. Кенг омма эса ушбу маҳсулотларнинг истеъмолчисидир. ОАВ — жамият кўзгуси, дея таърифланар экан, у ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар қандай бўлса, уларни шундайлигича рўй-рост кўрсатиши керак. Ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги масалаларига танқидий ёндашув тараққиётга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам беради ва оқибатда ривожланишни жадаллаштиради.

Таҳририят раҳбарияти журналистнинг имкониятлари ва шахсий сифатларидан келиб чиққан ҳолда қай соҳага йўналтиришни ўз зиммасига олади. Таҳририят жамоаси баъзан ўзини турли ижодий фаолиятда намоиш эта оладиган кишини учратиши ҳам мумкин. Яъни, муҳаррир яхши публицист, репортёр (мухбир) эса таҳририят оммавий тадбирларини ташкиллаштирадиган ташкилотчи бўлиши мумкин. Бу газеталарда кўплаб иқтидорли кадрлар фаолият юритишини тасдиқлайди.

Назариячиларнинг таъкидлашича, журналистика азалдан универсалликни

кўзлайди. Бу газета ходимларининг кундалик амалиётида ўзларидаги бор восита ва шакллардан фойдаланган ҳолда ҳаётнинг турли жабҳалари ва турли кирраларини ифодалаши кераклиги билан боғлиқ. Бунда назаримизда журналист фаолият юритаётган таҳририятнинг даражаси, таҳририят жамоасининг ҳажми, шу кишининг қизиқишлари кенглиги универсалликни талаб этади. Айни пайтда универсаллик ихтисослашув билан қарама-қаршиликда ҳар доим бир-бирига боғлиқ. Назариячилар журналистик ихтисослашувнинг қуйидаги турларини илгари суришади. Бири газета ходимларини таҳририят типи бўйича ажратса (ёшлар матбуоти журналисти, спорт журналисти, халқаро журналист ва ҳок.), бошқаси мавзу жиҳатдан (иқтисодий шарҳловчи, сиёсий шарҳловчи ва ҳок.), учинчиси жанрларга кўра фарқ қилади (очеркнаivist, фелъетончи, репортёр ва ҳок.).⁹

Журналистика касбининг турли туман типлари борлиги барчага маълум, аммо газета ходимлари олдига қўйилаётган вазифалар тобора мушкуллашиб бораётган пайтда муаммо универсализм ва ихтисослашувни қандай қилиб уйғунлаштиришда. Таҳририят жамоалари бу муаммони турлича ечишади. Баъзилари ўз штатидаги ходимларнинг фаолиятини чегараламайди. Улар имкониятидан келиб чиқиб, бошқа мавзуларда ҳам ижод қилаверишади. Бошқа таҳририятлар журналистларни универсаллиги ва ихтисослашишини қўллаб-қувватлайди. Бунда ёш ходимлар бирор ҳодисани саёз ёритишини олдини олиш учун бошида уларга бирор мавзуда ишланма беришади. Қачонки мухбир ўрганилаётган муаммо юзасидан юқори компетенцияни эгалласа, қоидага асосан ундан келажакда бошқа долзарб муаммолар ечими бўйича янги фикр ёки таклифлар кутилади. Аммо журналистикада «билағон» бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун кўпчилик газетада фаолият юритадиган журналистлар ўзлари учун маълум мавзу танлаб олишади.

⁹ Ким М.Н. Основы творческой деятельности журналиста: Учебник для вузов. — СПб.: Питер, 2011. - С. 53.

Журналист ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни, ютуқлару камчиликларни ҳаққоний ва ҳолисона тўғри ёрита олсагина, унинг мақолалари, кўрсатув ва эшиттиришлари жамият тараққиётига хизмат қилади. Баъзан шундай мақолаларга дуч келамизки, муаллиф тўғри ва долзарб мавзу танлаганига қарамай, унинг моҳиятини етарлича ёритиб беролмайди. Сабаби, унинг ўзи шу соҳани яхши билмайди, чунки у ўзини барча соҳаларда қалам тебрата оладиган универсал журналист деб билади.

Бугун кадрлар етишмаслиги сабабли турли мавзуларни ёритишга мажбур бўлган «универсал» журналистлар даври ўтди. Замон ўзгарди, шунга яраша журналистларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгача. Ёритмоқчи бўлган соҳасини яхши билмаган журналист, албатта, муҳим ва қизиқарли материал тайёрлай олмайди. Чунки у соҳа ичига чуқур кириб бора олмайди. Замоннинг шу талабидан келиб чиққан ҳолда 2005—2006- ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг қарорига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида икки йиллик Олий журналистика курслари ташкил этилди. Бу курсларга маълумотига кўра журналист бўлмаган, аммо журналист касбига иқтидори бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Бу эса ўз навбатида журналист ихтисослашуви муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради. Зеро, ҳақиқий журналист воқеалар қозонида қайнайдиган, ўзини Ватан, эл-юрт, инсонлар манфаати ҳимоячиси деб билладиган, умрини ўзбек миллий журналистикаси ривожига ва равнақига бағишлаган инсон - ҳаётини бусиз тасаввур эта олмайди.

Ихтисослашув масаласи журналистика самарадорлигининг бош омилларидан биридир. Бугунги кунда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар, долзарб муаммоларни ОАВ орқали тезкор ва ҳолисона ёритишда журналист кадрларнинг профессионал билим ва тажрибаларидан ташқари, муайян соҳада чуқур билимга эга бўлиши, яъни ихтисослашуви талаб этилади. Ҳар бир соҳага кириб борган журналистикада универсаллашув ва ихтисослашув атамалари

бугун тез-тез такрорланмоқда. Босма нашрда фаолият юритаётган журналист ёзиш билан бирга фотожурналистика, саҳифалаш ва таҳрир санъатидан, тележурналист монтаж жараёнидан хабардор бўлишини, радиожурналист эса радиомахсулотни тайёрлаш ва оммага етказилгунга қадар бўлган жараёнларда бемалол ишлай олишини универсаллашув дейишимиз мумкин. Бу ўз навбатида ихтисослашув маълум соҳа нашрларида шу доиранинг янгиликлари, эришилаётган ютуқлар, муаммолар ва камчиликларни маҳорат билан ёритиш демакдир. Ихтисослашган журналистгина шу соҳа ислохотларидан тўлиқ хабардор бўлади ва тўғри маълумот етказа олади.

Журналистика барча касблар чорраҳасида жойлашган касб. Журналист барча соҳадан хабардор бўлиши лозим. Аммо маълум бир соҳани худди шу соҳа вакили сингари билиши талаб этилаётган бугунги кунда тиббиёт, спорт, таълим-тарбия, адабиёт йўналишларида ихтисослашган журналистлар талайгина. Бугун улар ушбу соҳа вакилларига материаллари орқали танилишга улгурди. Бирон ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқалари асосан унинг матбуот хизматлари орқали амалга оширилади. Муассасаларнинг матбуот хизматлари ўз соҳасининг моҳир мутахассиси бўлиш билан бирга ўша тармоқ бўйича ҳам муайян билимларга, назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлган журналистлардан ташкил топиши зарурлиги алоҳида аҳамият касб этади. Матбуот хизмати ходими бутун фаолияти давомида ўзи ишлаётган ташкилот ҳаётига доир маълумотларни оммага тақдим этувчи (шу билан бирга жамоатчилик фикрини ҳам етказиб берувчи) асосий шахс ҳисобланади. У соҳага оид зарурий билимларга эга бўлиш орқалигина ўз фаолиятини тўғри ва самарали ташкил эта олади. Матбуот хизматлари маълум бир соҳа бўйича маълумотларни журналистик ижод маҳсули тарзида тайёрлайди ва жамоатчиликка тақдим этади. Бу ўринда матбуот ходими жамоатчилик орасида соҳа бўйича қандай ахборотга эҳтиёж борлигини ва унга қай йўсинда жавоб қайтариш лозимлигини илғаб олиши зарур. Буни амалга ошириш учун, албатта,

мазкур соҳага оид масалалар, муаммо ва унинг ечимларини билиш талаб этилади. Жамоатчиликнинг эҳтиёжини масъулларга тўғри, тўлиқ ва батафсил етказиб бериш журналистдан бевосита шу соҳа бўйича етарли маълумотларга эга бўлишни тақозо қилади. Шунингдек, жамоатчилик орасидаги мутахассис бўлган ва бўлмаган кишиларга бирдай тушунарли ахборот тақдим этиш ҳам ниҳоятда муҳим. Мисол тариқасида таълим соҳасига ихтисослашган матбуот хизмати ходими ҳам олий маълумотли педагоглар учун, ҳам эндигина шаклланиб келаётган ўқувчи-талабалар учун, ҳам уларнинг турли савиядаги ота-она ва қариндошлари учун бирдай тушунарли бўладиган ахборотни тўплаш ва тарқатишга масъулдир. Бу ўринда журналистнинг битта жойда узоқ вақт муқим ишлаб қолиши ҳам етарли тажриба тўпланиши ва ихтисослашишига ёрдам беради.

Жамиятимиз тараққиётининг асосий йўналишлари, турли жабҳаларидаги ютуқ ва камчиликлар, барча соҳалар ривожига оид энг сўнгги янгилик ва долзарб хабарларни тезкор ва холисона фуқароларга етказиб беришда журналист кадрларнинг ўзига хос ўрни бор. Аммо таъкидлаш ўринлики, маълумотларни ОАВ орқали ёритишда журналистлардан ўз касбига доир ижодий билим ва тажрибадан ташқари, муайян соҳада ҳам чуқур билимга эга бўлиш талаб этилади. Мазкур масалани ҳал қилишда республикамиз журналистика соҳасига малакали кадрларни тайёрлаб берувчи олий таълим муассасалари салоҳияти катта аҳамиятга эга. Биргина Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида ихтисослашган кадрларни тайёрлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Факультетда талабаларга назарий билим бериш билан бирга, улар турли таҳририятларга, телерадиокомпанияларга, ахборот агентликларига, интернет сайтларига, вазирлик ва идоралар ахборот хизматларига малакавий амалиёт ўташ учун юборилади. Бунинг натижасида талабаларнинг таҳририятлардаги ихтисослашуви ҳам шаклланиб боради. Шунингдек, республика етакчи

тахририятлари қошида ташкил этилган маҳорат мактабларида талабалар соҳаларга ихтисослашувини янада такомиллаштириш имконига эга бўлади.

Жаҳон ахборот макони глобаллашувининг кучайиши оммавий ахборот воситалари соҳасида мамлакат ва жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равишда муносабат билдира олишни тақозо этаётган бугунги даврда журналистлар зиммасига катта масъулият юкланади. У бераётган маълумоти тўғри, ишончли эканлигига эришиши учун ўша соҳада етарли билимга эга бўлиши лозим. Дастлаб, ихтисослашувнинг ўзи нима эканлигига тўхталсак.

Ғарб журналистикасида матбуот ходимини ихтисослаштириш «биит» («beat») деб аталади ва бу профессионал журналист ўз соҳасида нима янгиликлар бўлаётганини доим билади. Ихтисослашув бу — журналист кундан кунга нима ҳақида ёзаётганини билиб бораверади. Умуман олганда, ҳар бир газетанинг иқтисод, сиёсат, шунингдек, дин, фильмларга тақриз ва спорт каби бўлимлари мавжуд.¹⁰

«Журналистнинг стол китоби»да Вашингтондаги Детройт фрии пресс мухбири Девид Эверетт ихтисослашувнинг фойдаси ҳақида шундай деган эди: «Янгиликларга ихтисослаштириш яхши, сабаби кундан кунга етарлича кенг доирадаги муаммолар ўрганилиб, қизиқарли материаллар тайёрланади. Ҳеч кимда йўқ «эксклюзив» маълумотларнинг кўпчилиги айнан бирор соҳага ихтисослашган репортёрлар томонидан ёзилади. Бу каби кўплаб мақолаларнинг сири: бўрини оёғи боқишида. Омадли репортёрлар ўз ихтисослигининг ҳамма томонига диққат эътиборини йўналтиради. Улар доимий равишда ўз ихтисослиги доирасида «нюсмейкер»лари, маълумот олувчи манбалари билан учрашиб туришади. Яхши мухбир ҳар қадамида қизиқарли нимадир топади.»

Нима учун ихтисослашув фойдали, деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Профессионал журналист ўзи ихтисослашган соҳасида нималар содир бўлаётганини билади, шунинг учун янгиликларни ёритишда бу самарали

¹⁰ <http://knigi.link/tvorcheskoy-deyatelnosti-osnovi/universalizm-ili-jurnalistskaya-38647.html>

усул эканлигини амалиёт кўрсатяпти. У омманинг маълум соҳадаги кизиқишларини билиш учун алоқада бўлиш имконини беради. Кўплаб сенсацион материаллар айнан ихтисослашган репортёрлар томонидан топилади.

Ўзбек журналистикасида нисбатан кейинроқ ривожланган бўлса-да, ихтисослашувнинг тарафдорлари универсаллашувникидан кам эмас. ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг собиқ декани, доцент Акбар Нурматов ўзининг «Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув»¹¹, филология фанлари номзоди Ҳалим Саидов «Журналистикада ихтисослашув муҳимми ёки универсаллик?»¹² номли мақолаларини ихтисослашувга бағишлаган.

Юқоридаги жаҳон ва миллий журналистика мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, дунёнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари конвергент журналистика (*convergence journalism*) тизимида фаолият юритмоқда.

Конвергент журналистика бу матбуот, радио, телевидение ва интернетнинг ўзаро уйғунлашувини англатади.¹³ Дейлик, бугун ривожланган давлатлардаги бирор нуфузли газетада фаолият юритаётган журналист фақат матн ёзиш ёки унга фотолавҳа илова қилиш билан чекланмайди. У, айтиш жоиз, аудио ва видео форматдаги материалларни ҳам тайёрлаш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Умуман, дунё журналистикасида қизиқ ҳолатни кўриш мумкин. Соҳа ва мавзу бўйича тифиз ихтисослашув кечаётган бир пайтда журналистларнинг ижодий фаолиятида универсаллашув кузатилмоқда. Бу катта медиакорпорацияларнинг иқтисодини тежаш билан боғлиқ.

Журналистик таълимда ихтисослашув бўйича жаҳон тажрибасида дастлаб ОАВ турига кўра:

¹¹ Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув//Ўзбекистон матбуоти. – 2014. – №1. – Б. 38-39.

¹² Саидов Ҳ. Журналистикада ихтисослашув муҳимми ёки универсаллик?//Ўзбекистон матбуоти. – 2008. - №1. – Б. 34-35.

¹³ <http://jrnt.ru/bezhat-vdvoe-bystree>

- газета (босма) журналистикаси;
- телевидение журналистикаси;
- радиожурналистика;
- интернет-журналистика кабиларга ажратилади.¹⁴

Шунингдек, соҳа ва мавзуларига қараб ҳам уларни гуруҳлаш мумкин:

- халқаро журналистика;
- паблик рилейшнз;
- адабий-бадий танқид (бадий маданият);
- парламент журналистикаси;
- экологик журналистика;
- спорт журналистикаси.¹⁵

Мавзу йўналиши бўйича:

- сиёсат;
- иқтисод;
- маданият;
- тиббиёт;
- жамият ва бошқ.¹⁶

Улар ўз ичида жанр йўналиши бўйича ҳам ихтисосликларга ажралади.

Масалан:

- шарҳловчи;
- репартёр;
- очеркнавис;
- фелетонист;
- памфлетчи;
- эссенавис ва бошқ.¹⁷

¹⁴ Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув//Ўзбекистон матбуоти. – 2014. – №1. – Б. 38-39.

¹⁵ <http://studopedia.org/10-82782.html>

¹⁶ Свитич, Л.Г. Профессия: журналист: учебник. - М.: Аспект Пресс, 2003. – С. 25.

¹⁷ <http://studopedia.org/10-82782.html>

Лавозим ва бажарадиган функциясига кўра ҳам қуйидагича ажратиш мумкин:

- муҳаррир;
- мухбир;
- саҳифаловчи;
- телерепартёр;
- режиссёр;
- реклама бўлими менежери;
- фотомухбир ва бошқ.¹⁸

Журналистика соҳаси ичида ихтисослашув тушунчасини ҳам бугун қўп эшитиш мумкин. Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларда фаолият юритаётган журналистлар таҳририят ичида ҳам ихтисослашиши мумкин. Масалан, таҳририятнинг бўлимларида.

Бугун республикаimizдаги оммавий ахборот воситаларининг 40 фоизи муайян соҳаларга ихтисослашган нашрлар эканлигини ҳисобга олиб, соҳага кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ҳам ихтисослашув жараёнига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмаслигига амин бўлиш мумкин.

Журналистика факультетларида таҳсил олган кадрлар мамлакатимиз ОАВ таҳририятлари ҳамда турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ахборот хизматларида фаол меҳнат қилмоқдалар. Талабаларнинг илмий салоҳиятини ошириш билан бирга, уларнинг касб маҳоратини ривожлантириш, чет тилларини пухта ўзлаштиришлари учун халқаро журналистика факультетида ўзбек, рус, инглиз, немис, япон ва бошқа тилдаги адабиётлари бўлган ахборот-ресурс маркази, махсус телерадиостудия, фотолаборатория, бешта тил маркази, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган лингафон ҳамда компьютер хоналари доимий фаолият олиб бормоқда. «Хаваскор» радиостудияси эшиттиришлари мунтазам эфирга узатилмоқда. Факультет

¹⁸ <http://www.studfiles.ru/preview/5271702/>

интернетга уланган ҳамда глобал тармоқда «Халқаро журналист» веб-саҳифаси ва газетаси ишлаб турибди. Бугунги кунда факультетда ихтисослашув масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, улар қуйидагиларда ўз аксини топмоқда:¹⁹

– ўқув режаларида журналистик таълим ихтисослигига йўналтирилган предметлар тўлиқ ўз аксини топган. Жумладан, ўқув режадаги жаҳон журналистикаси асослари, журналистик ижод маҳорати асослари, таҳрир маҳорати, жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи каби предметлар талабаларда турли ихтисосликлар бўйича зарурий билим ва ижодий қobiliятни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди;²⁰

– 2009-2010 ўқув йилидан бошлаб масс-медиа иқтисоди, типологияси ва техникаси, журналистика социологияси, журналистика психологияси, компьютерда саҳифалаш дизайни, компьютер технологиялари ва интернет, ПР ва реклама, сиёсий конфликтшунослик ва халқаро журналистика, минтақашунослик, шарҳлаш журналистикаси, ОАВ ва гуманитар ҳуқуқ каби бугунги кун талабларига мос фанлар таълим жараёнларига татбиқ қилинди;²¹

– 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб «Спорт журналистикаси» ихтисослиги бўйича магистратура очилди;²²

– факультетда талабаларга назарий билим бериш билан бирга, уларни турли таҳририятларга, телерадиокомпанияларга, ахборот агентликларига, интернет сайтларига, вазирлик ва идоралар ахборот хизматларига малакавий амалиёт ўташ учун юборилади. Бунинг натижасида талабаларнинг таҳририятлардаги ихтисослашуви ҳам шаклланиб бормоқда²³.

Ихтисослашув масаласи – журналистика самарадорлигининг омили. Шу боис факультетларда уни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹⁹ Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув//Ўзбекистон матбуоти. – 2014. – №1. – Б. 38-39.

²⁰ Ўша манба.

²¹ Ўша манба.

²² Ўша манба.

²³ Ўша манба.

режалаштирилган, мақсадли кадрларни тайёрлаш концепцияси ишлаб чиқилган. Мазкур муаммолар юзасидан тадқиқот мавзулари банки яратилган ҳамда бир катор талабалар мазкур мавзулар бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Хулоса ўрнида оммавий ахборот воситаларининг ихтисослашуви масаласи бугунги кунда иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ҳуқуқ, илм-фан, маърифат, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат соҳаларида бўлаётган кенг кўламли ислохотлар жарёини чуқур таҳлилий ва таъсирчан ёритишда муҳим омил бўлиб келаётганилигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мамлакатимизда соҳага ихтисослашган оммавий ахборот воситалари (болалар, ўсмирлар, ўқув, илмий-маърифий, маданий-марифий)га йўналтирилган амалий ишлар йўлга қўйилган. Давлат томонидан берилаётган бу эътиборнинг тағамида ихтисослашган оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ва нуфузи кўринади. Умуман олганда, журналистикада ихтисослашувни керак ва уни керак эмас, деб ҳисоблайдиган икки гуруҳ мавжуд. Уни кераксиз дейишига журналистнинг маълум доирада, тармоқда чегаралаб қўйишини сабаб қилиб келтиришади. Аммо унинг фойдаси, заруратини маълум соҳани кенг, кўзга кўринмас жиҳатларини ёрита олиш билан белгилайдиганлар эса бирор соҳа якка ўзи ривожланмаслиги, у бошқа кўплаб соҳалар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини айтиб, журналист улкан маълумотлар блокини ўзида мужассам этиб, чегараланиб қолмаслигини таъкидлашади. Бирор соҳа бўйича қанча кўп билимга эга бўлса, уни ичига чуқур кириб борса, энг яхши материаллар ёзилади. Бу эса соҳа аудиториясини қайноқ хабарлар, таҳлилий материаллар билан таъминлашда ўз аксини топади.

1.2. Ихтисослашган журналистиканинг замонавий тенденциялари

Жамиятнинг ахборотга бўлган бугунги талаби ҳар қачонгидан ҳам юқори. Аммо ҳар қандай ахборотни етказиш ва уни жамоатчилик томонидан қабул қилиниши билан ахборотга бўлган эҳтиёж кондирилмайди. Айниқса, бу жамиятнинг турли бўғинларида муаммоли масалаларнинг кўндаланг бўлганида яққол кўзга ташланади. Жамоатчилик ОАВдан ахборот етказиб беришдан кўпроқ нарсани кутади. Ва аксарият ҳолларда ОАВнинг ёрдами муаммонинг ҳал қилинишига қодир куч сифатида тасаввур этилади. Табиийки, бу жараёнлар ОАВ учун ҳам ахборот етказиб беришдан кенгроқ, изчилроқ фаолият олиб боришни тақозо этади. Айниқса, жамиятнинг бирор бир бўғини, соҳасида қарама-қаршилик, муаммо ёки жумбоқ юзага келадиган бўлса, у ҳақда фақат ахборот бериш жамоатчилик ўртасида воқеликка бўлган қизиқишни янада орттиради. Жамоатчилик ўша муаммо ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истади. Бунинг учун энди ахборот етказишдаги уч мумтоз: «Нима?», «Қачон?», «Қаерда?» саволларга жавоб топишнинг ўзи камлик қилади. Бу саволларнинг ортида яна «Нега?», «Қандай қилиб?» сингари янгилари туғиладики, журналист уларга ҳам жавоб бериш мақсадида изланади.

Жамиятдаги бирор бир воқеликни ёритиш журналистдан катта билим ва маҳоратни талаб этади. Россиялик назариячилардан бири М.Ким журналистнинг профессионал маҳоратини уч асосий белгисини кўрсатади. Булар — билим, қадриятлар ва анъаналардир.²⁴ Яна бир рус назариячиси В.А.Лекторский билим турлари ва журналист учун аҳамиятли жиҳатларга эътиборни қаратади. «Билим,—деб таъкидлайди у, — шундай махсус таълимки, у олиб борилаётган ишнинг реал ҳаёт билан мос келишидир»²⁵.

Дарҳақиқат, журналист ўз касбий фаолиятини олиб бориш учун соҳага тааллуқли бўлган назарий билимларни билиш керак, шу билан бирга, албатта,

²⁴ Ким М.Н. Основы творческой деятельности журналиста: Учебник для вузов. — СПб.: Питер, 2011. - С. 18.

²⁵ Ўша манба.

амалий фаолиятда бўлиши лозим. Ўзининг касбий фаолияти жараёнида олиб борилган таҳлилларда журналистнинг шахсий фикри, ўз позицияси, мантикий тафаккури, воқеликдан чиқарадиган хулосаси талаб этилади. Ана шу хулоса кишилар ўртасидаги муносабат кайфиятини пайдо қилишга, унда ўзлари ҳам ушбу воқелик юзасидан эркин фикрларини билдиришларига имкон беради. Журналист ахборот етказиш билан унинг объекти бўлган воқеликни таҳлил қилар экан, репортёрдан кўра кенгрок, чуқуррок вазифани бажаради.

Журналистик ихтисослашувнинг кўринишлари аввало оммавий ахборот воситасининг хусусияти, материалларнинг мавзулари, жанрлари ва медиажараёндаги ўрнидан келиб чиқади.²⁶ Шунингдек, талаба олийгоҳга кирган кунларидан бошлаб журналистиканинг қай соҳасида ўзини тасаввур қилиши билан унинг ихтисослашиши кузатилади. Ихтисослашув йўналиши журналистнинг ижодий фаолияти ва у яратаётган ижод маҳсули билан ҳам характерланади. Таҳлил билан шуғулланувчи журналистлар асосан аниқ бир мавзу йўналишга ихтисослашади. Албатта, ходимларининг сони 3-4 кишини ташкил этувчи кичик маҳаллий газеталар ва нашриётлар ҳақида гапирадиган бўлсак, юқоридаги фикр унчалик мос келмайди. Бунда бир ходим турли сифатларни ўзида жалб этади: бугун у бирор тadbир ҳақида ҳисобот тайёрласа, эртаси куни давра суҳбати ҳақида материал ёзиб, сонга корреспонденция топшириши керак бўлади. Ундан кейинги кун у очерк ёзиб, оз фурсат бўлсада ўзини очеркнавис деб ҳис қилишига тўғри келади. Баъзан бу каби «универсал» журналист соҳада юқори натижаларни эгаллаганини ҳам кўриш мумкин. Аммо у ўрта даражадаги репортёр, кучсиз таҳлилчи бўлиб, энди бадиий публицистика соҳасида ютуқ ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Журналистика — турфа хил соҳалар чорраҳасидаги касб. Шунга қараб ҳар ким унда ўз вазифасини бажаради. Аммо журналистнинг мавзу жиҳатидан ихтисослашиши умуман бошқача фаолият тури. Бунда

²⁶ Мисонжников Б., Тепляшина А. Журналистика: введение в специальность. - Санкт Петербург, 2012. - С. 41.

универсаллик ҳаваскорликка айланиши, юзакилик, саёз қараш эса ишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мавзу жиҳатдан олиб қаралганда материалнинг пухта чиқишида журналист фаолият юритаётган соҳасига қанчалик чуқур кирганлигида кўринади. Ҳаттоки репортёр ҳам маълум ижтимоий соҳага ихтисослашади, таҳлилчиларни айтмаса ҳам бўлади. Бундай олиб қараса, журналист тадқиқот билан ҳам шуғулланади. Шунинг учун муаммога чуқурроқ кириб бориши, ўқувчига ечимни тавсия эта олиши керак. Таҳлилчига икки хил материални бир хил даражада ёритиш қийин. Масалан, балет ҳақида ва бозордаги молиявий ҳолатни бир хил ёритишнинг иложи йўқ. Биргина таҳририятнинг ўзида фарқлар алоҳида ажралиб кўринади. Ҳар бир лавозим эгаси ўз қарашида кўриб чиқади. Бош муҳаррир мураккаб шахс — у ОАВ соҳасида назария ва амалиётни ўзида уйғунлаштирган, ижодий ходимлар билан мунтазам ишлайдиган, фаол бошқарувчи, психолог, социолог, иқтисодчи, жамоанинг иқлими ҳақида қайғурадиган, ёш журналистларни тарбиялайдиган, уларнинг профессионал таълим олишини ташкил этадиган, таҳририятнинг барча ходимларини малакасини ошириб боришни таъминлайдиган етакчи. Аммо бошқа томондан қараганда, у профессионаллик жиҳатидан намуна ҳамдир. Аксарият бош муҳаррирлар ижодий жамоани бошқариш билан бирга ўз нашрларида мақола, очерклари билан иштирок этиб боради.²⁷

Ахборот технологиялари ривожланиб бориши ОАВ соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда ва унда ихтисослашувнинг келгусидаги башоратлари ҳам кўринмоқда. Масалан, 2015 йилда қандай янги медиалар пайдо бўлади, деган савол бўйича «Россия газеталари» лойиҳасининг «Russia Beyond the Headlines» бошқарувчи муҳаррири Всеволод Пуля корпоратив медианинг анъанавий медиага рақобатини санаб ўтганда ихтисослашувнинг ўрнига ҳам

²⁷ Мисонжников Б., Тепляшина А. Журналистика: введение в специальность. - Санкт Петербург, 2012. - С. 45.

тўхталиб ўтган эди.²⁸

Биринчидан, турли газета ва сайтлар орқали доимий рекламасини бериб борган машҳур брендлар ўз аудиторияси билан мулоқотда «кераксиз катлам»ни олиб ташлайди. Корпоратив журналистика ривож топишида RedBull, Coca-Cola, Mercedes Benz, GoPro ва бошқа замонавий брендлар истеъмолчига ўз медиа майдонларида мурожаат қилмоқда. Улар ўз телеканалларини ташкил этиб, ижтимоий тармоқларга кириб бормоқда ва натижада ОАВни ўз майдонида ютмоқда. Бу тенденция анъанавий ОАВнинг рекламадан келадиган фойдасини жиддий суратларда тушириб юборади. Шунинг учун ихтисослашган нашрлар ҳам ўз аудиториясига юқори даражада эътибор қаратиши, электрон веб сайтларига ҳам ўрин ажратиш керак бўлади.

Иккинчидан, аудиториянинг вазифаси кўпаймоқда. Эътиборни жал қилиш оралиғининг қисқариши ва тафаккур тезлашиши натижасида ўқувчиларнинг вазифалари ҳам ортмоқда ва ранг-баранглашмоқда. Шунинг учун улар узок муддат бир ахборот манбаси билан чекланиб қололмайди. Бунда нашрлар ўқувчининг эътиборини тортиш ва уни ўзида ушлаб қолиш чоралари ҳақида ўйлаши лозим.

Учинчидан, ОАВ тор доирада ихтисослашмоқда. Тадқиқотларга кўра, аудиториянинг одатлари доимий равишда 1-2та нашрни ўқишдан кўра битта донда тод доирадаги ОАВни кузатишга ўзгармоқда. Бу катта брендларнинг «сосябон»га айланиб, пастдаги ОАВни кучсизланишига ёки ўз қўл остида бирлашувига олиб келмоқда. Россиянинг «Look At Media» рақамли нашриётини кузатсак, унда турли аудитория учун мўлжалланган тор ихтисосликларни кўрамиз. Эркаклар учун «FurFur», аёллар учун «Wonderzine», шунингдек, «The Village», «Look At Me» кабиларни мисол

²⁸ Всеволод Пуля. 7 трендов новых медиа в 2015 году.//Журналист, 2015. - №1.

сифатида келтириш мумкин. Хаттоки, кўп асрлик тарихга эга бўлган «The New York Times» ҳам ўз ичида янги махсус лойиҳа ва маълум мавзулар мундарижаларини олган илова нашрларнинг чоп этилишини тўхтатгани йўқ. Масалан, 2014 йилда ушбу нашр бир неча ўн йиллик базасидан келиб чиқиб «NYT Cooking» махсус руқни ташкил этилди. Ундан масаллиқларга қараб ҳам рецепт топиш мумкин. Бу каби тод доирадаги ихтисослашган лойиҳаларни осон ва қиммат сотиш мумкин.

Тўртинчидан, кўпчилик шунчаки маълумотни эмас, тўлиқ тушунтиришларни хоҳлайди. 2014 йил амалий медиауруш, текширилмаган ахборотлар, ёлғон хабарлар йили бўлди деб айтсак, муболаға бўлмайди. Геосиёсий можароларсиз ҳам ўқувчини бездириб юбораётган ахборот шовқини жуда баланд. Уларни атрофлича тушунтириш учун «лонгрид»лардан фойдаланила бошланди. Яъни, материалда ҳодисанинг турли тарафлари кўриб чиқилади. Бу билан ҳодисани бошидан кузата олмаган ўқувчи учун тўлиқ маълумот етказилади. Шу сабабли журналистика янги жанр — тушунтириш вужудга келади. У мураккаб мавзуларни тезроқ ва қулай тушунтиришга олиб боради. Кўплаб анъанавий нашрлар тушунтиришга алоҳида жой ажратмоқда. Биргина «The New York Times» газетасининг ўзида 2014 йилнинг март ойида тушунтиришлар бериб борилган «The Upshot», «Quick Take», «Slate» каби руқнларни кузатиш мумкин.

Бешинчидан, рекламаларнинг мобил платформага ўтиши (eMarketer маълумотига кўра, 2013 йилдаёқ америкалик аудитория 360% ни ташкил этган бўлса, Gartner таҳлил компанияси мобил реклама бозори 2014 йилда 18 млрд долларни ташкил этган ва 2018 йилда 42 млрд долларга етиши мумкин дейилган) каби 7 бандни санаб ўтган.²⁹

Ушбу журналнинг 2017 йил 1-сонида «Янги медианинг 2017 йилдаги 5 тренди» мавзусидаги мақола берилди. У яқин келажакда медиа соҳасида

²⁹ <http://mediatoolbox.ru/blog/7-trendov-novyih-media-v-2015-godu/>

кандай ўқилади, кўрилади, эшитилади деган саволларни камраб олди. Массмедиа институтининг (РГГУ) доценти ва «Журналист» порталининг директори Максим Корнев ҳамда «Russia Beyond The Headlines»нинг бош муҳаррири ва «MediaToolbox.ru»нинг асосчиларидан бири Всеволод Пулянинг ушбу мақоласида журналистика вирусининг «юқумли» эканлиги хақида тўхталиб ўтади. Унинг ёзишича, журналистика ҳар бир одам «зарарланиши» мумкин бўлган «вирус»га айланади. Бунда унга шахсий қизиқишлар, ижтимоийга айланаётган муаммолари туртки бўлади. Журналистикадаги эркинлик сабабли энди махсус институтни талаб этмасдан фуқаролар ижтимоий фойдаланувчига, блогерга, фаолга айланади. Авиация фанати бўлган Руслан Левиев суриштирув гуруҳи — Conflict Intelligence Teamни ташкил этди. У 2011-2012 йиллардаги фуқаролик намоёишлари сабабли журналистика юктириб олган ва Украина ҳамда Суриядаги воқеалар орқали жамоатчилик суриштирувни бошлаган. 2016 йил бутун дунё «Панама архиви»дан хабар топди, мактаб ўқувчиларининг ота-оналарини ВКонтактедаги «Ўлим гуруҳлари» ларзага келтирди. Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Мақолада айнан шуларга тўхталиб ўтилган.³⁰

Авваллари ОАВ ахборот ишлаб чиқарувчи ва журналистиканинг асоси эди. Ҳозир ҳаммаси бошқача: технологик, иқтисодий ва сиёсий трансформация медиавоситаларни ўзгартирди. Дунёдаги сўнгги сайловлар натижасида ОАВнинг сифати ва ишончига нисбатан кўплаб саволлар туғилди. Текширилган хабарларга бўлган талаб ошди ва бунда журналистдан катта маҳорат талаб этила бошланди. Айниқса, «Фейк» феноменининг журналистикада тобора ортиб бориши билан ахборотнинг нотўғрилиги ҳамда аниқ фактларга асосланмаганлиги сабабли ихтисослашган журналистларга талаб ортди. Замонавий сиёсий иқлимда асосий эътибор турли воқеа-ҳодисаларга, аниқ шахсга йўналтирилган ва иқтисодий баҳслар қаратилди.

³⁰ <http://mediatoolbox.ru/trends2017/>

Фейклар билан курашда журналистнинг этикаси алоҳида рол ўйнайди. Ана шу жараёнда оммавий ахборот воситасига бўлган ишончни оширишда унинг соҳани қай даражада билиши ва уни кузатиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

1994 йилда ташкил топган Европа журналистлар федерацияси соҳанинг энг катта уюшма ҳисобланади. Дунёнинг 43 мамлакатидан 320 минг журналист, 671та ташкилот аъзо бўлган ушбу федерациянинг асосий мақсади ОАВда сўз эркинлиги, журналист ҳаёти ва фаолиятининг хавфсизлиги, эркин ишларлари учун муносиб шароит яратиб беришни таъминлашдир. Ушбу ташкилотнинг Евроиттифоқ мамлакатларида ОАВга ишонч даражасига бағишланган сўнгги сўровларига кўра, радиодан ташқари барча ОАВга нисбатан ишонч камайган. Мальта ва ЕФЖ университетларининг тадқиқотларига кўра эса ҳудудда ўз-ўзини цензура қилиш кучайган. Ушбу ҳолатни тузатиш учун улар тавсиялар ишлаб чиқишган. Улар:

- мустақил журналистиканинг инқирозига қарши ечим излаш ва уни қабул қилиш;

- нодавлат ОАВни қўллаб-қувватлаш;

- кўролмаслик ва «тил адовати» билан курашиш;

- мустақил суриштирувлар учун манбалар излаш;

- журналистлар меҳнати учун муносиб шароит яратиш;

- этик жиҳатларни ривожлантириш;

- ижтимоий тармоқларда пайдо бўлиш ва унда масъулият билан ахборот тарқатиш;

- медиатаълимни қўллаб-қувватлаш ва журналистларни (айниқса, сиёсий йўналишда фаолият юритадиган журналистларни) масъулиятли бўлишга ўқитиш.³¹

³¹ <http://jrnlst.ru/eticheskaya-zhurnalistika-v-evrope-krizis-i-borba-s-feykami>

Ушбу сўров натижаси ҳам журналист кадрларнинг маҳорат масалалари ва соҳани чуқур билиш кераклигини кўрсатган.

«Ихтисослашган журналистиканинг замонавий тенденциялари ҳақида гап кетганда», дейди «Мир Белогорья» нашриётининг директори Олег Шевцов, — ҳудуддаги таҳририятларнинг конвергенциясига тўхталмай илож йўқ. 6 таҳририятнинг бирлашмаси — «Белгородские известия» (сиёсий газета), «Белгородская правда» (оилавий ҳафталик), спорт журнали, болалар учун журнал, ёшлар учун журнал ва «БелПресса» интернет портали — «Мир Белогорья» остида йиғилган. Тўрт йил аввал Белгороднинг — «Смена» и «Белгородские известия» газеталари бирлаштирилди. Бунга сабаб рекламадан келаётган фойда ва тиражнинг пасайиши бўлди. «Белгородская правда» газетаси эса ҳафтада 4 маротаба чиқишдан бир ҳафталик форматга ўтди, дизайн ва материалларни бериш тартиби ҳам ўзгарди. Бу билан нашрнинг тиражи 10 фоизга ошди. Замонавий журналистика ҳақидаги «Информацион давр ҳар доим ўзгариб туриши керак», деган ибора нақадар тўғри эканлигини кўринади. Аммо турли ихтисосликка эга бўлган кишилардан қандай қилиб жамоа тузиш мумкин? Турли таҳририятларда фаолият юритган ва бугун бирлашган журналистларни, аудиторияси турлича бўлган ОАВ ходимларини бир марказда йиғиш ўзига яраша муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Ана шу конвергенция жараёнида ҳам ихтисослашганлик, маълум соҳани чуқур билиш талаб этилади. Масалан, ҳар куни эрталабки режалаштириш жараёнида бир журналист баҳор витаминлари ҳақида тарихий очерк ёзиш нияти борлигини айтади. Газета бош муҳаррири журналистдан материалнинг ҳажми ва топшириш вақти ҳақида сўрайди. Порталнинг бош муҳаррири эса таклиф этилаётган мавзу юзасидан инфографика ҳақида ўйлаши кераклигини айтса, болалар журнали муҳаррири унинг мундарижасини болаларга мослаштиришни, 2.5 минг белгидан иборат соғлик ҳақида материал тайёрлашини сўрайди. Натижада журналист аниқ таҳририятда, аниқ

йўналишда фаолият юритишни истаб қолади. 20 йил давомида газета учун матн ёзган журналист ихтисослашиб улгуради. Энди унинг интернетга ҳам материал тайёрлаши яна ихтисослашувни талаб этади ва журналист ўз устида изланса, бунинг уддасидан чиқади.

Журналистика соҳаси мослашишни талаб этади. Бунда ихтисослашувнинг ичида яна ихтисослашув жараёнлари кечади. Масалан, журналист спорт йўналишида материал тайёрлаб келган. Энди у ғолиб волейбол гуруҳи ҳақида сайтга ахборот тайёрлайди, сўнг газетага репортаж ёзади, кейин волейболчилар ва мураббийлар иштирокида спорт журнали учун таҳлилий мақола ёзади, болалар журнали учун бирор ўйинчини қаҳрамон қилиб олади ва кўриб турганимиздек йўналишга ихтисослашган журналист энди жанрларга ихтисослашади. Бунда журналист аниқ ОАВнинг турли бўлимларига бўйсунди. Конвергенция жараёнида ихтисослашув ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шунингдек, нашриёт уйининг иқтисодий жиҳатдан ўсишига, ходимларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланишига олиб келади. Қўшимча иш қилинганлиги учун қўшимча даромад олиши журналистни қониқтиради. Юқоридаги мисолларда эса нафақат турли ахборот каналлари учун медиа форматининг яқинлашуви, балки медиа иштирокчилари — турли майдонларда фаолият юритаётган журналистларининг яқинлашуви ҳамдир. Бу эса мультимедиа майдонига айлантиради.³²

Хулоса сифатида айтиш керакки, замонавий ОАВда ихтисослашувнинг келиб чиқиши ва зарурати замоннинг талаби. Ахборот асри ривожланиб борган сари ихтисослашган журналистиканинг замонавий тенденциялари ўзгариб боради ва бу соҳанинг янада ривожланишига замин яратади. Бу борада конвергенция жараёни соҳалар ва йўналишлар бўйича ихтисослашган журналистларнинг мавзу ҳамда жанрлар бўйича ҳам ихтисослашишига олиб

³² <http://jrnlst.ru/bezhat-vdvoe-bystree>

келади. Энди журналист соҳанинг турли шакллари — босма ва электрон нашрлар учун материал тайёрлайди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, журналист конвергенция жараёни таъсирида ихтисослаша бошлайди. Ихтисослашган журналист тайёрлаган материаллар пухталиги билан алоҳида ажралиб, ўз навбатида журналистнинг моддий жихатдан яхши рағбатланишига ҳам сабаб бўлади. Ҳар томонлама муносиб шароит яратилиши эса журналистнинг янада меҳнат қилишга ундайди ва бунда нашриёт нуфузи ҳамда соҳа ривожини кўринади.

Юқоридаги икки фаслда кўриб чиқилган масалаларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугун кадрлар етишмаслиги сабабли турли мавзуларни ёритишга мажбур бўлган «универсал» журналистлар даври ўтди. Замон ўзгарди, шунга яраша журналистларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгача. Ёритмоқчи бўлган соҳасини яхши билмаган журналист, албатта, муҳим ва қизиқарли материал тайёрлай олмайди. Чунки у соҳа ичига чуқур кириб бора олмайди.

Медиа соҳасидаги конвергенция, яъни турли ахборот-коммуникация йўналишларининг бир-бирига яқинлашиши: журналистика, реклама, пиар, маркетинг ва бошқалар. Бу ерда гап журналист амалда пиар, реклама, маркетингга хос бўлган фаолият билан шуғулланишига тўғри келиши мумкин. Кўриниб турибдики барча жабҳаларда бирлашиш, қўшилиш (конвергенция) билан бирга ажралиш, фарқ қилиш (дивиргенция) жараёни ҳам кечмоқда, яъни универсаллашув ўз навбатида ихтисослашувни рағбатлантирмоқда.³³

Умуман олганда, журналистикада ихтисослашувни керак ва уни керак эмас, деб ҳисоблайдиган икки гуруҳ мавжуд. Уни кераксиз дейишига журналистнинг маълум доирада, тармоқда чегаралаб қўйишини сабаб қилиб келтиришади. Аммо унинг фойдаси, заруратини маълум соҳани кенг, кўзга

³³ Нурматов А. Замоनावий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув//Ўзбекистон матбуоти, 2014. — №1. — Б. 38-39.

кўринмас жиҳатларини ёрита олиш билан белгилайдиганлар эса бирор соҳа
якка ўзи ривожланмаслиги, у бошқа кўплаб соҳалар билан чамбарчас боғлиқ
эканлигини айтиб, журналист улкан маълумотлар блокини ўзида мужассам
этиб, чегараланиб қолмаслигини таъкидлашади. Бирор соҳа бўйича қанча кўп
билимга эга бўлса, уни ичига чуқур кириб борса, энг яхши материаллар
ёзилади. Бу эса соҳа аудиториясини қайноқ хабарлар, таҳлилий материаллар
билан таъминлашда ўз аксини топади.

II БОБ. ЖАМИЯТДА АХБОРОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИХТИСОСЛАШГАН НАШРЛАРНИНГ ЎРНИ

2.1. Ўзбек матбуотида ихтисослашган нашрларнинг таснифи

XXI аср инсоният тарихига ахборот асри сифатида қадам қўяр экан, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётир. Шундай экан ахборотлашган глобаллашув жараёнини оммавий ахборот воситалари, сўз эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, «Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, авваламбор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатмоғи лозим.»³⁴

Матбуот назариясида матбуот функциялари — у бажарадиган ижтимоий вазифалари масаласи алоҳида ўрин тутди. Матбуотнинг функциялари деганда биз матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг доимий ва қонунийлик тусини олган фаолиятини, унинг мақсад ва йўналишларини тушунамиз. Матбуотнинг ижтимоий вазифалари ҳақида турлича қарашлар мавжуддир. Коммунистик тузум даврида матбуотнинг функциялари «коллектив тарғиботчи, коллектив ташвиқотчи ва коллектив ташкилотчи»ликдан иборат, деб кўрсатилган эди. Матбуотнинг вазифаси юқорида кўрсатилганидек фақат бирор ғояни тарғиб ва ташвиқ қилишдан иборат бўлмасдан оммага холис, объектив ижтимоий ахборотлар етказиб беришдир. Ҳозирги замон рус матбуотшуноси Е.П.Прохоров матбуотнинг асосий вазифаларини ижтимоий, мафкуравий, маданий-маърифий ва бевосита ташкилотчилик кабиларга

³⁴ Каримов И.А. «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига» йўллаган табригидан// Халқ сўзи, 2009 йил 28 июнь.

бўлади.³⁵ Юқорида келтирилганидек, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш шаклларида бири, реал воқеликни билиш, тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Яъни, матбуотнинг бош вазифаси — ижтимоий ҳаётни акс эттириш, ижтимоий ахборотлар йиғиш ва оммага етказиб беришдан иборат. Матбуот нашрлари ва оммавий ахборотнинг барча турдаги воситалари доимий равишда жамият ҳаётини ёритиш, уни тадқиқ қилиш ва унга қайтадан таъсир этиш вазифасини бажариб келадилар. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, матбуотнинг ижтимоий вазифалари уч таркибий қисмга, қирраларга бўлинади. Биз бу қисмларни шартли равишда тасвир, таҳлил ва таъсир деб оламыз.³⁶

Оммавий ахборот воситаларининг муҳим тури бўлган газеталар ўз навбатида турли хилларга бўлиниб кетади. Улар аввало, ижтимоий ҳаётни ёритиш нуқтаи назаридан учга бўлинади:

1. Умумсиёсий газеталар.
2. Ихтисослашган газеталар.
3. Тармоқ газеталари.

Ихтисослашган газеталар жамият ҳаётининг катта бир соҳасини кенгрок ёритиш учун махсус чиқарилади ҳамда ана шу соҳада ишловчи, шу соҳага алоқадор кишилар учун мўлжалланган бўлади. Дунё газеталари орасида ҳам айрим ихтисослашган газеталар учрайди. Бунга мисол қилиб, Англияда чиқадиган «Financial times» («Молия вақти») деб аталувчи молия-иқтисод масалаларига бағишланган газета, Францияда нашр этиладиган «Letter france» («Франция адабиёти»), Японияда чиқадиган «Сан-кей симбун» («Саноат ва иқтисод газетаси»), Россиядаги «Литературная газета», «Экономическая газета» ва бошқаларни кўрсатиш мамкин. Республикамизда чиқариладиган ва қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчи ва қишлоқда яшовчи кишилар ҳаётини

³⁵ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.: Тафаккур, 2011. — Б. 30.

³⁶ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.: Тафаккур, 2011. — Б. 31.

ёритувчи «Қишлоқ ҳаёти», таълим-тарбия, олий ўқув юртлари соҳасини ёритиш учун мўлжаллаб чиқарилаётган «Маърифат» каби газеталар ихтисослашган газеталар ҳисобланади. Бу хил газеталар умумсиёсий газеталардан фарқли равишда жамият ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларини умуман ёритгани ҳолда ўзи мўлжалланган соҳани кенг ва батафсил акс эттиради. Адабиёт, санъат, маданият соҳаларини кенг ёритишга мўлжалланган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», иқтисоднинг муҳим масалаларини ёритиш учун нашр этиладиган «Мулқдор», оила ҳаётини ёритувчи «Оила ва жамият», спортнинг барча соҳаларини ёритувчи «Спорт» газеталарини ҳам ихтисослашган газеталар қаторига қўшиш мумкин. Айрим ихтисослашган газеталар ижтимоий ҳаёт масалаларига ҳам кенг тўхталиши сабабли умумсиёсий газеталарга яқин туради (масалан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси). Республикамизда кейинги пайтларда нашр этилаётган «Ҳордиқ», «7x7» газеталари ҳам ўз хусусиятларига қараб ихтисослашган газеталар ҳисобланади.

Ихтисослашган газеталар жамият ҳаётининг айрим томонларини кенгрок ёритиб, умумсиёсий газеталарни тўлдириб келадилар. Ихтисослашган газеталар одатда марказий газеталар ҳисобланади, фақат, айрим вилоятлардагина бундай махсус газеталар чиқрилиши мумкин.

Тармоқ газеталри эса жамият ҳаёти, мамлакат иқтисодиёти ёки ташкилий тузилмаларининг айрим тармоғини кенгрок ёритиш учун нашр этилади. Бундай газеталар, одатда бирор-бир соҳа бўйича вазирлик ёки шу мақомдаги ташкилот томонидан чиқарилади. Бунга мисол қилиб республика Алоқа вазирлиги томонидан чиқарилаётган «Хабар», Ички ишлар вазирлигининг «Постда», Темир йўллар идорасига қарашли «Темир йўлчи» газеталарини кўрсатиш мумкин. Бундай газеталар асосан шу соҳада ишловчи кишилар учун, айримлари эса кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган бўлади. Айрим туман ва қорхоналарда чиқариладиган умумсиёсий газеталар (масалан, асосан чорвачилик билан шуғулланувчи бирор туман газетаси, олий ўқув юртлари ёки

йирик саноат корхоналарида чиқадиган кўп тиражли газеталар) маълум маънода тармоқ газеталарига яқин турадилар. Тармоқ газеталари ҳам жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини умумлаштирган ҳолда ўз тармоғи ҳаётини эса кенг ва чуқур ёритиб, газетанинг имкониятларини янада кенгайтиради. ³⁷

Республикамизда истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларининг қонуний базаси яратилиб, журналистларга эркин фаолият юритиши учун кўплаб имкониятларни тақдим этди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, сўз ва матбуот эркинлиги инсоннинг бошқа асосий ҳуқуқлари қатори ўзининг конституциявий кафолатини топди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир бир қатор қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (2007 йил 15 январ), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997 йил 24 апрел), «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997 йил 24 апрел), «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» (2002 йил 12 декабр), «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996 йил 30 август), «Муаллифлик ҳуқуқи вав турдош ҳуқуқлар тўғрисида» (2006 йил 20 июл), «Реклама тўғрисида» (1998 йил 25 декабр), «Ахборотлаштириш тўғрисида» (1993 йил 7 май), «Телекоммуникациялар тўғрисида» (1999 йил 20 август), «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»³⁸ каби қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимизда ОАВ ҳуқуқий базасини яратилишида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосий манба сифатида таянилган. Унинг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди»³⁹, деб белгилаб қўйилгани

³⁷ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.: Тафаккур, 2011. — Б. 85-86.

³⁸ <http://www.api.uz/#uz/content/documents/qonunlar/>

³⁹ Ўзбекистон Республикаси конституцияси. —Т.: «Ўзбекистон», 2014.

оммавий ахборот воситаларининг мутлақ қонуний эркинлигининг кафолати ҳисобланади.

1991 йилда Ўзбекистонда 395 та оммавий ахборот воситаси фаолият олиб борган бўлса, мустақиллик йилларида яратилган кенг шароитлар туфайли ОАВларнинг сони бугунги кунда 1514тани (1015та босма ОАВ, 100та ТВ ва радиолар, 395та веб-сайтлар ва 4та ахборот агентлиги рўйхатдан ўтказилган)⁴⁰ ташкил этади. Бу кўрсаткични 2013 йилдаги 1326, 2014 йилдаги 1372, 2015 йилдаги 1395, 2016 йилдаги 1463⁴¹ сони билан таққослаганда ўсиш динамикасини кўриш мумкин. Бу рақамлар орқали демократик жамиятни ривожланиб боришида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс эканлигини кўрамыз. Мамлакатимизда жамият ривожини йўлидаги қабул қилинаётган фармон, фармойиш, қонун ва қарорларда ҳам оммавий ахборот воситаларига турли вазифалар юкланиб, улар олдида катта масъулият қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»⁴²ги Фармонида шундай дейилади: «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда: мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини

⁴⁰ <http://www.api.uz/#uz/content/licence/statistics/>

⁴¹ Ўша манба.

⁴² Халқ сўзи, 2017 йил 8 феврал №28 (6722).

ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганини жамоатчиликка тушунтирилишини; Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис, тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин⁴³, дейилади. Бунинг ижроси сифатида ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўз йўналиши бўйича уни ёритиб келмоқда. Давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқот қуриш бўйича иш олиб бормоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясининг 51-бандига мувофиқ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида лойиҳалар ишланмоқда. Юқоридаги икки қонуннинг қабул қилинганига анча вақт бўлганлиги (бирига 10, иккинчисига 20 йил) сабабли уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга тавсия этилди. Стратегия ижросида айнан оммавий ахборот воситаларига тегишли бўлган қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши соҳани янада тараққий этишига муҳим туртки бўлади. Демократик жамият ривожига эса ушбу соҳанинг нечоғлик муҳим эканлигини англаш қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 8

⁴³ Халқ сўзи, 2017 йил 8 феврал №28 (6722).

февралда қабул қилган «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Фуқароларни ҳуқуқий хабардор қилиш, асосан, анъанавий оммавий ахборот воситалари орқали қоғоз кўринишида амалга оширилмоқда, бу эса ҳуқуқий ахборотнинг тўлиқлиги ва эркин фойдаланилишига, унинг ўз вақтида тарқатилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунда аҳолининг ижтимоий фаол қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёж ва сўровлари инобатга олинмаяпти»⁴⁴ дейилади. Юқоридаги қатламларга етиб боришида ихтисослашган нашрларга эҳтиёж сезилади. Бундан кўриниб турганидек, ҳар бир соҳага ихтисослашган нашрлар фаолият юритишини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шунингдек, Қарорда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилган ҳолда, жамиятда ҳуқуқий тарғиботни ташкил этиш; давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш, ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш кўзда тутилади.⁴⁵ Қабул қилинаётгани қонун ҳужжатларини нашрлар аудиториясидан келиб чиқиб, ўз йўналишида етказиш ҳар бир ихтисослашган нашрнинг вазифаси ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшаётган миллатларнинг 7та тилида ва сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20дан ортиқ ихтисосликларда фаолият олиб боради. Ушбу ихтисосликларни босма ОАВ ихтисослашуви мисолида, фоизларда кўриб чиқадиган бўлсак, сиёсий 24 фоиз, таълим 13 фоиз, иқтисодий 10 фоиз, ҳуқуқий 3 фоиз, тиббий 5 фоиз, хотин-қизлар 2 фоиз, кўнгилочар 29 фоиз ва бошқалари 14 фоизни ташкил

⁴⁴ Халқ сўзи, 2017 йил 9 феврал №29 (6723).

⁴⁵ Ўша манба.

этишини кўрамиз. Сиёсий-ижтимоий нашрлар орасида энг юқори тиражни ташкил этаётган ва ҳафтада 5 маротаба (якшанба ва душанбадан ташқари) «Халқ сўзи» (116165 нусха)⁴⁶, «Правда востока» (24825)⁴⁷, «Тошкент оқшоми» ҳамда ҳафтада 3 маротаба нашр этиладиган «Ўзбекистон овози» (14582)⁴⁸ каби газеталар айнан ушбу соҳа доирасида ахборот бериб боради. Бугунги кунда ўзбек матбуотидаги кунлик газета мавқеига эга ушбу нашрларнинг саҳифаларидан таҳлилий ва танқидий руҳдаги материаллар ҳам ўрин эгалламоқда. Шунингдек, «Банк ахборотномаси», «Банковские вестник», «Бизнес вестник востока», «biznes daily — Биржа», «biznes daily — Истеъмолчи», «Бозор ва истеъмолчи», «Ваш налоговый консультант» сингари газеталар ва «Бизнес консультант», «Бизнес: Аудит-баҳо-мулк», «Иқтисод ва молия», «Молиячи маълумотномаси» каби журналлар иқтисодий соҳадаги нашрлардандир. Кейинги йилларда ҳуқуқий ва тиббий соҳада ҳам янги нашрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида аудиториянинг ушбу йўналаишларда етарли саволлари, муаммолари ва қизиқишлари борлигидан далолат беради. Чоп этилаётган нашрлар орасида «Даракчи», «Бекажон», «Сўғдиёна», «Ҳордиқ» сингари нисбатан кўп фоизга эга ва ўқувчиси нисбатан кўп бўлган кўнгилочар нашрлар бир вақтнинг ўзида аёллар нашрига ҳам киради. Ўзбек матбуотида нашрларни таснифлашда ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилиши лозим. Бундан ташқари ўзбек матбуотида бугунги кунда ривожланиб бораётган йўналиш — спорт журналистикасидир. «Интер футбол», «Спорт», «Спорт плюс», «Спорт ва саломатлик», «Футбол экспресс», «Ўзбекистон футболи» каби нашрлар шулар жумласидандир.

1991 йилда Ўзбекистонда 395та оммавий ахборот воситаси фаолият олиб борган бўлса, 2016 йил 1 январга келиб улар сони 1461тани ташкил этди. Улардан 686таси газета ва 300таси журналдир. Нодавлат оммавий ахборот

⁴⁶ Халқ сўзи, 2017 йил 24 май №102 (6796).

⁴⁷ Правда востока, 2017 йил 24 май №100 (28588).

⁴⁸ Ўзбекистон овози, 2017 йил 23 май №62 (32277.)

воситалари ҳам тез ривожланмоқда. 2016 йил 1 июн ҳолатига кўра 359та веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, теле-радиоканаллар ҳамда веб-сайтларнинг 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситасидир. Босма оммавий ахборот воситасининг жами 62.7 фоизи нодавлат босма ОАВдир.⁴⁹

Бугун таълим-тарбия сифатини тубдан ислоҳ қилиш борасида жуда кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда ва уларнинг мазмуни ҳамда ижроси юзасидан содда қилиб тушунтириш беришда айнан ушбу соҳага ихтисослашган нашрларнинг алоҳида ўрни бор. Ихтисослашган нашрлар орасида 13 фоизни ташкил этадиган ушбу йўналиш қамрови жиҳатдан деярли барча соҳани қамраб олади. Сабаби исталган соҳа ҳақида гап кетганда улар учун етиштирилаётган кадрлар масаласига тўхталиб ўтилади. Шунинг учун ушбу соҳани чуқур билимга эга ва айти пайтда соҳага ихтисослашган журналистлар чуқурроқ ёритиб бера олади.

Юсуф Ҳамдамов «Хуррият» газетасида чоп этилган мақоласида шундай ёзади: Газета ўқиб ўрганган одам, нимадир сабаб туфайли уни бирор кун канда қилса, худди бир нарсасини йўқотган киши аҳволига тушади, то топиб ўқимагунча кўнгли тинчимайди. Ҳа, газетанинг ана шундай оҳанрабоси бор. Бу гаплар бор-йўғи тўрт саҳифа чиқадиган, уларда ҳам нуқул расмий материал, реклама ва эълонларни жойлаштириб (обуначиларининг ҳақидан кўрқмасдан) кун кўраётган ёки саҳифаларини номига расмий материаллар (уларнинг ҳам аксарияти эскириб бўлган) жойлаштириш билан обуначиларнинг кўнглини овлашга уринаётган газеталар ҳақида эмас, албатта. Ўқувчи йил давомида республикада нашр этиладиган барча газета ва журналларни мунтазам кузатиб бориши имконсиз. Шундай бўлса-да, иложи бориша кўпроқ нашрларни ўқиб, изчил таҳлил этиб боришга ҳаракат қилдик. Қуйида кузатувларимиз натижасида чиқарган баъзи хулосаларимизни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз⁵⁰, дея бир

⁴⁹ http://nargis.uz/article_view.php?id=414

⁵⁰ Ҳамдамов Ю. Газеталар оҳанрабоси//Hurriyat, №12 (1023).

неча газеталарнинг мақолаларига тўхталиб ўтган. Унда «Маърифат» газетасида чоп этилган материалларнинг баъзиларига тўхталиб ўтади. «Журналист Хусан Карвонлининг «Олтмиш тўрт катак полвони» (27 январь) сарлавҳали очерки шахмат бўйича жаҳон чемпиони Шамсиддин Воҳидов ҳақида. Муаллиф ёш истеъдодли шахматчи Ш.Воҳидовнинг муваффақиятлари, орзу-интилишларини ўзига хос тарзда ёритиб беради. Шунингдек, мутахассисларнинг истеъдодли шахматчиларимиз ҳақидаги фикрлари ҳам келтирилганки, булар билан танишган ҳар бир ёш ўғил-қиз Шамсиддинга ўхшагиси, у каби шижоатли, иқтидорли спортчи бўлгиси келади. Очеркнинг ёшлар орасидаги тарбиявий аҳамияти катта бўлиши табиий.

Асолат Аҳмадкул қизининг «Ҳақиқий дўст» (10 февраль) сарлавҳали мақоласи долзарб мавзулардан бири — дўст тутиниш, яхши-ёмон кунда бири-бирига елкадош ва ҳамнафас бўлиш ҳақида. Муаллиф қуруқ мулоҳазалар билан чекланмайди, ҳақиқий дўстлик ҳақида ибратли ривоятлар, Абдулла Қодирий асарларидан мисоллар келтиради, мақолада таъмага асосланган дўстлик ҳақиқий эмас, шунчаки манфаатпарастлик экани, дўст танлашда хато қилмаслик лозимлиги хусусида ҳаётий мисоллар билан асосланган.

«Маърифат» мухбири Чарос Низомиддинованинг «9 ёшли дирижёр» (27 май) мақоласи Учтепа туманидаги Ўзбекистон Бадий академиясига қарашли Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 3-синф ўқувчиси Асадбек Аюбжонов ҳақида. Муаллиф ёш истеъдод соҳибининг мусиқа соҳасидаги машаққатли касб — дирижёрликка қизиқиши, санъатдаги муваффақиятлари, Йохан Штрауснинг «Ўрмон эртаклари», Карен Хачатурянининг «Чипполинно»си, Бизэнинг «Кармен», Штрауснинг «Кўклам садолари» асарларига дирижёрлик қилишини мароқ билан ҳикоя қилади.

«Маърифат»да таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ютуқларга эришган, таниқли инсонлар ҳақида мақола, лавҳа, очерк, суҳбатлар бериб борилади. Тажрибали журналист Муҳаббат Ҳамидованинг «Бойсунлик

профессор» (18 июн) мақоласи қаҳрамони Бойсун шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси, иқтидорли журналист ва педагог Очил Тошқулов ҳақида. Муаллиф Очил аканинг оила аъзолари, шогирдлари, табиат кўйнида юриб, изланиб ёзган «Тешиктош», «Гуматакдаги динозавр излари», «Ҳикматли даво тошлари», «Тоғдаги сирли ҳодиса», «Тош қотган аждарҳо», «Амир Темурга бошпана бўлган маскан» номли мақолалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтадики, бу маълумотлар орқали ўқувчи қаҳрамон қиёфасини янада равшанроқ тасаввур этади.

Ёш истеъдодли адиб Акмал Жумамуродовнинг «Ҳайкалтарош» (14 июл) сарлавҳали очерки орқали ёш ҳайкалтарош Жасванд Алланазаров фаолиятига оид ажойиб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Очеркда ҳайкалтарошнинг янги ижод намуналарини яратишдаги ўзига хос фантазияси, интилишлари, изланишлари қаҳрамон характеридан келиб чиқиб, атрофлича очиб берилган.

Маҳмуд Ражабов «Китоб дўконига ҳар ким ўз тарозуси билан киради...» мақоласи (10 август) аввалида китобнинг яралгандан буён шу кунгача инсониятга кўрсатган хизматини ҳеч нима билан қиёслаб бўлмаслигини эътироф этар экан, радио, телевидение, интернет кабилар китобнинг рақобатчиси эмас, балки ундан озиқланувчи восита эканини таъкидлайди. Қизиқ, ўринли мулоҳаза, шундай эмасми? Мақолада яна китоб ўқиш маданияти, мутолаанинг ўқувчига ижобий таъсири, маънавиятни юксалтиришдаги ўрни ҳақида сўз боради.⁵¹

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ўзбек матбуотида ихтисослашган нашлар сони йилдан йилга ошиб бормокда. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимиздаги оммавий ахборот воситаларининг сони 1392тани (689та газета, 283та журнал ва 100та ТВ ва радиолар, 304та веб-сайтлар), 2016 йил 1 январга келиб улар сони 1461тани (686таси газета ва 300таси журнал, 96 та Тв ва радио)

⁵¹ Ҳамдамов Ю. Газеталар оҳанрабоси//Hurriyat, №12 (1023).

ташкил этиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг сони 1514тани (1015та босма ОАВ, 100та ТВ ва радиолар, 395та веб-сайтлар ва 4та ахборот агентлиги) ташкил этди.

Буни биргина таълимга ихтисослашган нашрлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Сон жиҳатдан ўсиш билан бирга уларнинг сифат даражасига ҳам эътибор қаратиш мақсадида, бир-бирини такрорлайдиган нашрлар фаолиятини тўхтатилишига ҳам сабаб бўлди. «Тарбия», «Таълим менежменти» журналларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Шунингдек, ҳар йили педагоглар учун муҳим манба бўлган, ушбу соҳага ихтисослашган нашрларнинг сони ва тиражи ошмоқда.

2.2. Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрлар ва уларнинг ахборот алмашинув жараёнларидаги иштироки

Бугунги кунда биз инсон ҳаётининг асосий қадриятларидан бирини ахборот ташкил этган янги даврга қадам қўйдик. «Ахборот асри» деб ном олган XXI асрда бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг тараққиётини фаол ахборот алмашувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида жамият муайян шакл ва ҳажмда ахборот, билим алмашинуви асосида ривожланиб келган. Аммо ҳозирги босқичда ахборот технологияларининг мислсиз тараққиёти дунё миқёсида яхлит ахборотлашган жамиятни шакллантирди. Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши давлат ва жамиятлар ҳаётининг барча соҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда. Ҳозирда ахборот одамлар ва жамият фаровонлигининг энг муҳим манбасига айланмоқда, ривожланган давлатлар иқтисодиёти таркибида ахборот технологиялари индустрияси энг йирик соҳани ташкил этади. Немис тадқиқотчиси Л.Нефедовнинг айтишича: «Бугунги тадқиқот ва ривожланишга инвестиция қилинаётган маблағларнинг учдан бири ахборот технологиясига

йўналтирилмоқда».⁵² Глобал ўзгаришлар жараёни ўсиб боровчи тезликда рўй беради. Масалан, оғзаки мулоқотдан ёзувнинг вужудга келишигача инсоният 3 миллион йилни, ёзувдан матбаачиликнинг кашф этилишигача тахминан 5 минг йилни, матбаачиликдан телефон, радио, телевидениенинг кашф этилишига тахминан 500 йилни босиб ўтган бўлса, замонавий компьютерларга ўтиш учун атиги 50 йил керак бўлди.⁵³ Ҳозирда янги кашфиётларда улардан амалда фойдаланишгача бўлган муддатлар кун сайин қисқариб бормоқда; улар энди йиллар билан эмас, балки ойлар, кунлар билан ўлчанмоқда. Нутқнинг шаклланиши ахборот узатиш имкониятларини кенгайтирган бўлса, ёзувнинг пайдо бўлиши уни узоқ вақт давомида сақлаш ва ахборотни улкан масофаларга етказиш, ҳатто замонлараро олиб ўтишга йўл очди. Газета ва журналларни нашр этишнинг йўлга қўйилиши ёзма ахборотни узатишдаги тезкорлик ва қамровлиликни янада кенгайтirdи. Радио ва телевидение эса ахборотни овоз ва тасвир орқали узатишни таъминлаб, уни янада янги босқичга кўтарди. Ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби ҳодисаларни ўзида бирлаштирувчи оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш қувватига эга.

Глобаллашув, фан-техника ҳамда ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ замонавий тараққиёт журналистик таълимда икки асосий жабҳани: универсаллик ва унинг акси бўлган ихтисослашувга интилиш тенденциясини юзага келтирди. Журналистик фаолиятнинг турли предметли асослари унинг кўпгина касб ва ихтисосликлар мажмуини эгаллашни тақазо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, баъзи мураккабликларни ҳам келтириб чиқаради.

Журналистика, аввало, турли касблар чорраҳасида пайдо бўлган соҳалардан бўлиб, у ўз таркибида муҳаррирлик, ноширлик, публицистлик, ёзувчилик, ташкилотчилик, таҳририят котиблиги, баъзида эса ҳарф терувчилик

⁵² www.niro.nnov.ru?id=980

⁵³ Ўша манба.

каби касбларни ҳам мужассам этган эди. ОАВ тараққиёти, унинг вазифаларининг кенгайиши, ишлаб чиқариш ва техник соҳадаги кескин ўзгаришлар, журналистика ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашуви каби анъаналарни янада ўзгартириб юборди. Яъни, журналистикада ихтисослашув долзарб масалага айланди. Бунда таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг ўрни алоҳида. Айниқса, ҳозирги кунда.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаётдаги ютуқлар, камчиликлар, муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида халқимизни ўз вақтида хабардор этиб келмоқдалар. Бу республикамизда ОАВ тобора эркинлашиб, демократик характер касб этиб бораётганини кўрсатади. Дарҳақиқат, демократия ва ОАВ тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг эркинлиги демократиянинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Шу маънода, «глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаридагидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди».⁵⁴

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва

⁵⁴ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — Б. 111.

мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳал. Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб борётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.⁵⁵

Журналист учун ёзиш қобилияти ва маҳорат бўлишининг ўзи етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ОАВ ходимларининг машаққатли фаолиятига баҳо берганида шуни алоҳида таъкидлаган эди: «Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарафли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак профессионал маҳорат, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, халкимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бутун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш - албатта, осон иш эмас». Оммавий ахборот воситалари давр кўзгуси, уларда фаолият кўрсатаётган журналистлар эса илғор ва янгиликларга изланувчан куч сифатида жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар - жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнларидан четда туриши мумкин эмас эди ва амалда шундай ҳам бўлди.

Ўқувчини тўғри, ишончли маълумот билан таъминлашда, шунингдек, «оммавий маданият» сингари тушунчаларнинг салбий жиҳатларини изоҳлашда таълим-тарбиянинг ўз ўрни бор. «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»⁵⁶, деганда

⁵⁵ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — Б. 114.

⁵⁶ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — Б. 62.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти айти ҳақиқатни айтган. «Портлаш эффекти»га доир билдирилган фикрлари ҳам ўз исботини топди. Бу соҳанинг нақадар муҳимлигини ёддан чиқармаган ҳолда ушбу йўналишга ихтисослашган нашрларининг ҳам ўз ўрни борлигини таъкидламоқчимиз.

Бугунги кун ёшлари таълим олиш, ўз устида тинмай ишлаш ва самарали меҳнатнинг натижаси, албатта, ижобий бўлишини, бунинг учун таълим тизимида етарли имкониятлар яратилганлигини яхши билишади.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил — бу таълим-тарбия тизими билан боғлиқ экан, ушбу соҳани ёритишга ихтисослашган нашрларда бу омилнинг моҳиятини изоҳлаш айти муддаодир.

«Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир».⁵⁷ Аввало, республика Олий Кенгаши қошида давлат тили бўйича таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, журналистлар ва жамоатчилик вакилларида иборат махсус комиссия ташкил қилинган. Кейинги йилларда давлат тили билан биргаликда хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби замон, фан-техника ривожига дунё тилларини билишнинг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»⁵⁸ ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида⁵⁹ ҳам ўрта мактаблар учун замонавий, миллий андозага монанд дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар янги авлодини яратиш ва ёш авлоднинг дунёвий билимларни эгаллашига имкон яратиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Айтиқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан 2012 йил 10 декабрда «Чет

⁵⁷ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — Б. 83.

⁵⁸ http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=16188

⁵⁹ http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=48401

тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги» 1875-сонли қарорининг қабул қилингани хорижий тилларни ёшликданок ўрганиш яхши самара беришига яна бир асос бўлди. Қарорда чет тилини, хусусан инглиз тилини болалар боғчаларида ва ўрта мактабларнинг бошланғич синфларидан бошлаб ўқитишни йўлга қўйиш алоҳида таъкидланади. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда чет тилини билиш давр талаби. Лекин кичкинтойларга хорижий тилни ўзлаштириш анча қийин. Уларга тилни қизиқарли ўйинлар асосида ўргатиш кутилган самарани бериши тажрибаларда исботланган. Чунки, болалар қизиқарли бўлган барча нарсани тез ёдда сақлаб қоладилар. Қарорда чет тилларини ўргатишда оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўз ўрни борлиги таъкидланган эди.

«Телевидение, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий оммабоп хорижий бадиий ҳамда мултипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш; «ZiyoNet» тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедия ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобиль ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш»⁶⁰ кўзда тутилган. Қарор ижроси сифатида телеканалларимизда қатор дастурлар тайёрланди. «Ёшлар» телеканалидаги «Эртакчи болажонлар», «Менинг инглизча луғатим», «Қувноқ тест», «Инглиз тили ёшлар учун», «Дунё бўйлаб», «Болалар ва табиат» («Children and nature»), «Тошкент» телеканалида «Қувноқ

⁶⁰ www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2126032

коинот», «Инглизча сўзлаймиз» каби дастурлар шулар жумласидандир.

«Болажон» телеканалида ҳам инглиз тилини ўргатиш борасида кўплаб дастурлар тайёрланмоқда. «Bravo English», «My English dictionary», «English world», «Travel to the nature», «ABC kids» кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин. Уларда турли расмлар ёрдамида янги сўзларни ёд олиш мумкин.

Болалар предметларни ушлаб, унинг номини инглиз тилида айтиб, сўнг у қатнашган гап тузади. Бу эса болаларнинг тинглаш (listening), гапириш (speaking) кўникмаларни янада оширади. «До-ми-сол» дастурида ҳам талаффузни мустаҳкамлашга эътибор қаратилиб, ўрганилаётган кўшиқнинг инглиз тилидаги таржимасини ҳам куйлаш йўлга қўйилган.

Шу қаторда таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларда бу борада амалий ишлар олиб борилди. «Тил ва адабиёт таълими» илмий методик журналида 1-синф инглиз тили (Kids' English 1) дарслик мажмуаси муаллифлари С.Хан ва Л.Жўраевлар «Келинг, инглиз тилини ўрганамиз!» («Let's learn English») рукни орқали ўргатиб борса, Халқ таълими вазирлиги муассислигида нашр этиладиган «Бошланғич таълим» илмий-методик, ахлоқий-таълимий, оммабоп журналида бу борада доимий кўргазмали куроллар, қизиқарли бошқотирмалар ва расмилуғатлар, шунингдек, бошланғич синф ўқитувчилари учун намунавий дарс ишланмалари бериб борилади.

«Бугунги глобал инфомаконнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – ундаги жами ахборот мажмуининг аксарият қисми ижтимоий онгга, шахс, жамият ва давлат бирлигига салбий таъсир этувчи, манфаат ташувчи манипулятив ахборот эканини журналистларимиз яхши билиши керак. Демократия соясида глобал инфомакон геополитик карама-қаршилик полигонига айланаётган айна вақтда журналистнинг бош вазифаси – шахс, жамият ва давлатни мазкур полигонинг салбий таъсирларидан асраб-авайлашдан иборат».⁶¹

⁶¹ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б. 82.

Ахборот самарадорлигини оширишда ихтисослашган нашрларнинг аҳамияти алоҳида. Айниқса, бу ҳақида айнан мутахассисларнинг ўзлари маълумот бериб, мазмунини тушунтириб, амалга оширилаётган ишлар хусусида ёритиб беради. Бу эса қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳияти, истиқболдаги ўзгаришларни аҳолига етиб бориши осонлашади. Жорий йилнинг ўзида қабул қилинган бир қанча қарорлар, жумладан, «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶², 2017 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶³, 15 мартдаги «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶⁴, 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶⁵, 5 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»⁶⁶ қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда айнан таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларга алоҳида эҳтиёж сезилади. Соҳадаги ушбу ислохотларни ёритишда ихтисослашган журналистларга алоҳида масъулият юкланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ахборот хуружларидан ҳимояланиш ҳамда ахборотнинг салбий таъсири хусусида тўхталиб, демократия ва эркин ахборот алмашинуви масалалари уйғун ҳолда қаралаётган бугунги кунда айрим кучларнинг бошқа мамлакатларга, минтақаларга йўналтирилган ахборот хуружларини шаклан ёки мазмунан тартибга солиш имконсиз эканини, бироқ бу — муаммо ечимсиз дегани

⁶² <http://uza.uz/uz/documents/-yillarda-maktabgacha-talim-tizimini-yanada-takomil-30-12-2016>

⁶³ Ma'rifat, 2017 йил 18 март №22 (8983).

⁶⁴ Ma'rifat, 2017 йил 18 март №22 (8983).

⁶⁵ Ma'rifat, 2017 йил 22 апрел №32 (8993).

⁶⁶ Ma'rifat, 2017 йил 6 май №36 (8987).

эмаслигини,⁶⁷ айтиб ўтганди. Глобал ахборот маконидаги зарарли таъсирлардан химояланишнинг энг мақбул йўли – жамиятда таҳдид бардош ахборий иммунитетни шакллантириш ҳисобланади. Ҳар бир фуқарода ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш, уларда ахборот истеъмоли маданиятини тарбиялаш ҳаётий амалий аҳамиятга эга. Бунда ёшликдан, мактаб давридан бошлаб тўғри тушунча беришда таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг ўз ўрни бор.

Дунё миқёсидаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёт кишилик жамияти тараққиётининг айни босқичи шундай ўзига хос хусусиятга эгаки, унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикрлаш, янги техника ва технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб-этади. Замонавий билимларга эга, янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан мамлакатимизнинг ёруғ истиқболини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган, юксак марраларни забт этаётган янги авлод вакиллари камол топмоқда.

«Хуррият» газетасининг 2014 йил 10 сентябрь сониди «Таълим, тарбия тинчлик ва тараққиёт гарови» сарлавҳали шарҳ берилганди. Муаллиф «Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази эксперти Шарафиддин Тўлаганов таълим-тарбиянинг давлатлар тараққиёти гарови эканлигига тўхталар экан шундай фактларни келтириб ўтади: «ЮНЕСКО ташкил этилган 1945 йилдан бери ташкилот саводсизликка қарши курашиб келади. Мазкур муаммо миллий ва халқаро даражада муҳокамалар мавзуси бўлиб келаётган бўлишига қарамай, сайёрамизда катта ёшдаги 781 миллион киши ўқиш ва ёзишни билмайди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида таълим соҳасида бир қатор муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бироқ шунга қарамай 77 миллионга яқин бола умуман мактабга

⁶⁷ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б. 82.

бормайди. 2000 йилда Сенегал пойтахти Дакарда бўлиб ўтган Жаҳон таълим анжуманида 180та давлат вакили 2015 йилга бориб барча ўғил-қизларнинг бошланғич таълим олишини таъминлашга эришиш борасида «Таълим барча учун» номли қарор қабул қилинган эди. Бу ўша йили жаҳон давлатлари раҳбарлари томонидан қабул қилинган БМТнинг Мингйиллик мақсадлари ҳужжатида яна бир бор ўз аксини топди». ⁶⁸ Аммо бу ҳамон ҳаётда ўз ифодасини топгани йўқ. Дунёда ҳар бир давлат келажагини ўйласа, таълим соҳасига эътибор қаратиб, унга сармоя киритишдан қочмайди. Сабаби бу соҳага ажратилаётган маблағ келгусида фойда билан қайтади. Ҳеч бир соҳа таълим сингари алоҳида эътиборни талаб этмайди, назаримда.

Дунёда бу соҳага ихтисослашган нашрлар талайгина. Россия газеталари мисолида унга тўхталамиз. Биргина «Первое сентября» нашриётида нашр этиладиган «Инглиз тили», «Мактаб кутубхонаси», «Биология», «География», «Мактабгача таълим», «Соғлом болалар», «Информатика», «Тасвирий санъат», «Тарих», «Синф раҳбари ва ўқувчилар тарбияси», «Адабиёт», «Математика», «Бошланғич таълим», «Немис тили», «Рус тили», «Мактабда спорт», «Технология», «Мактаб бошқаруви», «Физика», «Француз тили», «Кимё», «Ота-оналар мактаби», «Мактаб психологи»⁶⁹ каби кўплаб журналлар нашр этилади.

«Ma'rifat» газетаси сингари таълим-тарбия соҳасини ёритишга ихтисослашган, ўқитувчилар учун мўлжалланган газеталар сафига Россияда нашр этиладиган «Учительская газета» ва «Первое сентября» газеталарини киритиш мумкин. Уларда бизнинг ўқитувчилар нашримиз каби соҳада олиб борилаётган ислохотлар, янгиликлар ёритилади.

«Учительская газета» газетаси 1924 йил 3 октябрдан Москвада нашр этила бошлаган. Интернетдаги версияси эса 1995 йилдан фаолият юритади. «Ma'rifat» («Маданий инқилоб») газетаси 1942—1945 йилларда уруш сабабли чиқишдан

⁶⁸ Тўлаганов Ш. Таълим, тарбия тинчлик ва тараққиёт гарови//Hurriyat, 2014.

⁶⁹ <http://www.1september.ru>

тўхтаб турган пайтда «Учительская газета» Кировда чиққан. 70-йилларда ҳафтада 3 марта 1.5 млн нусхада чоп этилган газета 1992 йилдан ҳар ҳафтада бир марта чиқа бошлади. Бугунги кун замонавий педагогикасида қўлланма бўлиб хизмат қилаётган нашр 2010 йил Россия Федерацияси ҳукуматининг босма ОАВ бўйича мукофотини қўлга киритди.⁷⁰ Бош муҳаррири Петр Положевец. «Таълим ва тарбия», «Янгиликлар», «Таълим сиёсати ва иқтисоди», «Хатлар ва ижтимоий ҳимоя», «Маданият», «Реклама ва жамоатчилик билан алоқалар» каби бўлимлари, «Йил ўқитувчиси», «Кундалик», «Муаммо», «Юбилей», «Директорлар клуби», «Мактаб бошқаруви», «Хат», «Методик ошхона: технологиялар, сценарийлар, ғоялар», «Буюк ном», «Саёҳат», «Таълим ҳуқуқи», «Бегона алифбо», «Йилнинг шонли саналари», «Хат изидан», «Ўйлашимча», «Мунозара», «Хатлардан сатрлар», «Эпицентр», «Қайта алоқа», «Ўқидингизми?», «Йўл-йўлакай эслатма», «Ўлкашунослик», «Танлов», «ИКТ», «Муаммо», «УГ» меҳмони» сингари рукнлари бор.

«Учительская газета» Россиядаги икки муҳим педагогик танлов — «Россия йил ўқитувчиси» ва «Россия энг яхши мактаби»нинг ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг нафақат ўз фанини билишга, балки ўқувчиларни унга қизиқтира олиш ва мустақил ўрганишга чорлашни таъкидлаб келаётган газета саҳифаларида «Йил ўқитувчиси» танловининг ёритилишига эътибор қаратсак. Бу танлов кенг жамоатчилик эътиборига газетанинг босма ва электрон шакли (www.ug.ru) орқали намоиш этиб борилади. Бунда ўқитувчиларнинг танлов ҳақидаги фикрлари соҳага ихтисослашган журналистлар томонидан ёзиб олинади. Танловнинг финал босқичи иштирокчиларининг дарс ишланмаси ва танлов жараёнидаги ўтган дарсининг видео шакли айнан газетанинг электрон саҳифасида ҳаволалар орқали кўрсатилади. Хоҳловчилар бу дарсларни кўриши, ўз фаолиятида

⁷⁰ <http://rus.kiziltan.ru/society/45-uchitelskoy-gazete-90-let.html>

фойдаланиши ва унга овоз бериши ҳам мумкин. Газетада Вера Кострова, Лора Зуева сингари ёш журналистлар бу танлов иштирокчиларининг фаолиятини ёритиб бормокда. Танлов жараёнида газетанинг ҳар бир сонининг бош мақоласи айнан ушбу кўрик ҳақида бўлади.

Журналист Вера Кострова муаллифлигидаги «Эртақдан дарсгача бир кадам — Ирина Буторина ўқувчиларига бунда ёрдам беради» номли мақола (2015 йил 14 апрель, №15) айнан ушбу танлов иштирокчисининг фикрларига бағишланган. Унинг қаҳрамони — физика фани ўқитувчиси билан учрашувини воқебанд тарзда бошлаган.

«Я познакомилась с Ириной БУТОРИНОЙ на конкурсе в Мытищах. В собранной, сосредоточенной и достаточно закрытой молодой женщине трудно было разглядеть романтическую натуру. Да и сама себя Ирина считает скорее практиком, прагматиком. Так же воспринимают ее большинство коллег. Об Ирине говорят как о человеке твердого характера и несгибаемой воли, никогда не отступающем от поставленных задач. Еще одной сильной стороной моей героини называют уверенное владение методикой: она строит уроки по четкому плану и добивается того, чтобы ученики, все до единого, понимали даже самый сложный материал...»

Навбатда унинг дарс давомидаги ютуқлари экспертлар фикрларига асосланиб қайд этган. Журналист таълим-тарбия соҳасига ихтисослашган бўлиши билан бирга газетхонларга аниқ ва тўғри маълумот бериш учун мутахассислар хулосаларига асосланган.⁷¹ Унинг яна бир мақоласи — «А древо жизни пышно зеленеет! Уроки Ольги Захаровой далеки от сухой теории»ни кўрсак. «У Ольги Захаровой, биолога Ковровской школы №9, совсем скоро день рождения. Апрельский день, наполненный пением птиц, запахом пробужденной земли, едва уловимым шуршанием открывающихся почек, а иногда даже ранним цветением деревьев, сам по себе лучший подарок. Но он, конечно же, не

⁷¹ <http://www.ug.ru/archive/599680>

будет единственным. Ольгу Александровну поздравят ученики, коллеги, выпускники и родители. Желающих вручить подарок наверняка будет много, но в щедрости природе не будет равных»⁷². Бу лидни ўқиган киши ўқитувчи фаолиятини ёритаётган журналистнинг гапни бежиз табиатга боғламаганини тушунади. Ахир у биология фанидан дарс беради-да. Ҳар бир қаҳрамонининг ўзига хослигини кўра олиши журналистнинг ихтисослашуви самараси деб бемалол айтиш мумкин. Мақола давомида ўз ўрнида ҳазил мутойиба билан ўқитувчининг ёшлиги, ҳоббилари, ўқувчилари ҳақида тўхталиб ўтилади. Ўқитувчининг ёшликдаги орзуси шифокор бўлиш эканлигини билиб олган журналист ундан қандай қилиб мактабга келиб қолгани (ўқитувчилик касбини танлагани)ни сўрайди. Буни қарангки, танловнинг илк босқичидан бошлаб журналистлар унга шу саволни берган экан. Бу қолип савол бўлиши мумкин, аммо ихтисослашган журналист унга бошқача — таълим жараёнидан келиб чиқиб ёндошади. Худди Вера Кострова сингари ўқиш даври, курсдошлари ва ўқитувчиларини эслаш орқали саволга жавоб олади. Шу ўринда, журналист саволлари таркибида ўқитувчининг танловдаги иштироки бўйича, тайёргарлик жараёни, аввалги босқичлар ҳақида фикри сўралмайди. Бу каби саволлар танловда иштирок этмоқчи бўлган бошқа ўқитувчиларда ҳам туғилиши табиий. Ана шуни ҳисобга олмаганда, мақола ҳар томонлама қизиқарли чиққан.

Мақола сўнггида газетхонларни нашрнинг электрон версиясига таклиф қилади ва танловнинг финал босқичи иштирокчиси Ольга Захарованинг методик материали ҳамда видео дарсининг манзиллари келтириб ўтилади. *Методический материал Ольги Захаровой читайте на сайте «Учительской газеты»* http://www.ug.ru/method_category/167 *Конкурсный урок смотрите на сайте* http://ug.ru/toy_video/63 Бу манзиллар келтирилганлиги учун газета саҳифаларидан асосан муаммоли, таҳлилий материаллар ўрин олади ва дарс

⁷² Кострова В. А дерево жизни пышно зеленеет! Уроки Ольги Захаровой далеки от сухой теории//Учительская газета, 21 апреля 2015 года.

ишланмалари электрон шаклдан олинishi тавсия этилади. Бунинг ўзига хос томони бор. Масалан, тахририят ходими ўзига келиб тушган дарс ишланмасини, албатта, қайта ишлайди. Унинг педагогика бўйича билими бўлса ҳам, амалиётдаги ўқитувчи сингари дарсни етказиб бера олмаслиги мумкин.

Газетанинг «Ma'rifat» билан ўхшашлик жиҳатлари ундаги тагсарлавҳаларда ҳам кўринади. Баъзи материалларда бу ўқувчининг эътиборини тортмаслигига ҳам сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, бугунги ахборот оқими тезкор ва технологиялар ривожланиб бораётган вақтда ихтисослашган нашрларнинг ахборот алмашинув жарёнида самарадорлиги алоҳида ўрин тутди.

III БОБ. ИХТИСОСЛАШГАН НАШРЛАРГА КАДРЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Ихтисослашган нашрларда фаолият юритаётган журналистларга қўйиладиган талаблар

Жаҳонда ихтисослашув масаласи куннинг асосий мавзуси сифатида кўтарилгандан буён ҳаётнинг турли жабҳаларига оид ихтисослашган нашрлар пайдо бўлди. Аёллар, болалар, эркаклар, шунингдек, балиқчилар, ўрмончилар каби турли касблар учун ҳам махсус нашрлар фаолият олиб бормоқда. Ихтисослашув — давр талаби бўлиб, таълим-тарбияга ихтисослашган журналистлар тайёрлаш ҳам замон талаби. Таълим-тарбия терминлари, жараён кўпчиликка таниш бўлиши мумкин. Аммо уни янада содда ва тушунарли қилиб кенг омма ҳукмига ҳавола этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

Айнан ихтисослашувга жиддий муносабатда бўлаётган таҳририятларда журналистлар томонидан ёзилаётган материалларда профессионализм яққол кўринади, мавзуни тўлақонли ёритганлиги сезилади. Лекин аксарият журналистлар мавзуни умумий ёритишга кўникиб қолган. Қаламга олинган муаммо бутун ўзига хосликлари билан очиқ берилмайди. Натижада нашр ҳам, ўқувчи ҳам ютқазади.

Ҳалим Саидовнинг «Журналистикада ихтисослашув муҳимми ёки универсаллик?» (Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил, 1-сон) мақоласидаги мисол орқали ихтисослашувнинг қанчалик зарур эканлигини кўрсатиш мумкин. Унда ушбу мисол келтирилади: «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» эндиgina қабул қилиниб, катта ҳажмда иш бошланаётган даврда ижтимоий-сиёсий газетамизда Сурхондарёда умумтаълим мактабларидан бирининг моддий-техника базаси ночорлиги танқид остига олиниб, мактабларимиз шу аҳволда экан, бундай дастурлар қабул қилинишидан не наф қабилда мутлақо нотўғри хулоса чиқарилган эди. Шунда журналистни ҳам, муҳаррирни ҳам замондан ортда қолганликда айблашди.

Албатта, журналист мактабдаги камчиликларни тўғри ёритган, лекин мақолада келтирилган каби моддий базасини тубдан яхшилаш бўйича беш йилга мўлжалланган катта дастур моҳиятини англамаган, тўғрироғи, уни ўқимаганди. Нашр муҳаррири ҳам дастур моҳиятидан беҳабар эди, чунки бу соҳада у ўз ходимига ишонганди. Агар журналист соҳага ихтисослашганда эди, аввало, мазкур дастур қабул қилингунга қадар жойлардаги ҳолатнинг танқидий ўрганилишига доир ҳукумат қарори ва унинг ижросига асосан юртимиздаги тўққиз мингга яқин мактабнинг босқичма-босқич янгидан қурилиши, капитал таъмирланиши белгиланган умуммиллий дастур қабул қилинганлигини билган бўларди. Маълум бўлишича, танқид қилинган мактабнинг капитал таъмирланиши кейинги йилга мўлжалланган экан...

Таълим соҳасида учраган бу каби камчилик хоҳ у сиёсату иқтисод, хоҳ ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда мавжуд. Ихтисослашган журналистгина соҳани чуқур билади, ёзган мақоласининг сифати яхши, самарадорлиги юқори бўлади. Соҳага ихтисослашган журналистлар ўртасидаги рақобатни кучайтиради. Рақобат бор жойда эса ривожланиш бўлади. Шу боис мен журналистнинг ихтисослашуви тарафдориман.⁷³

Бу каби мисоллар қаторига 2015 йил 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Бошланғич таълим сифатини оширишнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги матбуот анжумани доираси ўтказилган медиатурни киритиш мумкин. Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўқув муассасасининг фаолияти ва бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишдаги тажрибаси билан танишишлари керак эди. Медиатур давомида аксарият журналистлар «Соғлом бола йили Давлат дастури»га асосан яратилган,

⁷³ Саидов Х. Журналистикада ихтисослашув муҳимми ёки универсаллик?//Ўзбекистон матбуоти, 2008. - №1. – Б. 34-35.

2014 йилнинг сентябрь ойидан педагогларимиз фойдаланаётган «1-синф ўқувчилари учун илғор педагогик ва ахборот технологияларини амалиётга жорий этиш бўйича 7 номдаги методик қўлланма» ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслиги улар бераётган саволларидан ҳам кўринди. Улар нуфузли ахборот агентликлари ва турли ижтимоий-сиёсий нашрлар ходимлари бўлиб, бу соҳадаги янгиликлар ва камчиликлардан унчалик хабардор эмас. Тўғри, улар фаолият юритаётган нашрлар мавзуларини ҳамма журналист ҳам тушунавермайди. Бу билан уларни билимсизликда айбламоқчи эмасмиз, фақатгина ихтисослашувнинг ютуқларини айтиб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистонда демократик жамиятни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини, жаҳон ҳамжамятини ўз вақтида ва холисона хабардор қилиш ҳар бир журналистнинг бурчидир. Бунда улар турли ихтисосликларга кўра ўз аудиториясини маълумотлар билан таъминламоқда. Биргина таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, янгиликлар ва муаммоларни таҳлилий жиҳатдан ёритаётган таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг ўзига хосликларини кўриб чиқсак.

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасини ёритаётган кўплаб нашрлар бор. «Ma'rifat»—«Учитель Узбекистана», «Абитуриент», «Класс» газеталари, «Халқ таълими», «Бошланғич таълим», «Замонавий таълим», «Умумтаълим фанлари методикаси», «Касбий фанлар методикаси», «Мактабгача таълим», «Тил ва адабиёт таълими», «Соғлом авлод», «Ўзлуксиз таълим», «Синф раҳбари», «Янги авлод» каби журнал ва турли ахборотномалар нашр этилади. «Матбуот даврий нашрлари» обуна агентлигининг 2017 йил учун обуна каталогига таълимга оид нашрлар 130дан ортиқ эканлигини кўрамиз.⁷⁴ Уларда соҳа ҳаётида кечаётган воқеа-ҳодисалар ёритилибгина қолмасдан, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган мутахассисларнинг фикри ва таклифлари ҳам чоп этилади.

⁷⁴ Матбуот даврий нашрлари обуна агентлигининг 2017 йил учун обуна каталоги.

Уларнинг ўзига хослигини республикамизда таълим-тарбия нашрлари ичида етакчилик қилаётган «Ma'rifat» газетаси мисолида кўриб чиқамиз.

«Ma'rifat» — республика зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, маънавий-маърифий газетаси бўлиб, муассислари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашидир. Дастлаб, 1931 йил 4 июлда «Маданий инқилоб» номи билан чиқа бошлаган бўлса, 1938 йил 10 февралдан «Ўқитувчилар газетаси» номи билан чоп этила бошлаган. Кейинчалик «Ma'rifat» номи билан чоп этила бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 5 августдаги 20-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 5 августдаги 175-сонли, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг 2005 йил 5 августдаги 4/10 – сонли қўшма мажлиси қарорига кўра «Ma'rifat» ва «Учитель Узбекистана» газеталари бирлаштирилиб, ягона «Ma'rifat»—«Учитель Узбекистана» газеталари тахририяти деб номланган. Тахририят Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 22 декабрда 0067-рақам билан рўйхатга олинган. Тахририятнинг асосий мақсади қуйидагиларни ташкил этади:

— мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбияга оид барча масалаларни жамият, давлат, эл-юрт манфаати нуқтаи назаридан ўрганиш, кун тартибига қўйиш, муҳокама қилиш, муаммоларнинг илмий, назарий, амалий ечимларини топишда таълим ходимларига кўмаклашиш, таълим-тарбия мазмуни, шакллари ва усулларини такомиллаштириш, халқ таълими ходимларининг, камол топаётган ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

— «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларда кўзда тутилган барча масалалар бўйича тарғибот ва

ташвиқот ишларини олиб бориш, мазкур қонунлар ижросининг таъминланиши бўйича ахборотлар ва таҳлилий материаллар бериб бориш;

— миллий ҳамда жаҳон таълимига оид илғор назария, методика ва амалиётни зиёлиларга етказишда, ҳаётга жорий этишда тарғиботчи ва ташвиқотчи сифатида фаолият кўрсатиш;

— халқ таълими тизимидаги давр талаби асосида янгиланиш жараёнини изчил ёритиш, шу жараённинг жадаллашувига матбуот орқали кўмаклашиш; жойлардаги камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилишига матбуот чиқишлари орқали эришиш; халқ таълими ходимларининг ижодкорлик ютуқларини, халқ педагогикаси, таълим-тарбия ишидаги янги шакл ва услубларни тарғиб қилиш ва энг яхшиларини оммалаштириш;

— олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида мутахассислар тайёрлаш, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тажрибаларини, муаммоларини кенг кўламда ёритиш;

— таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси фаолиятига доир янгиликлар, ўзгаришлар, амалга оширилаётган ибратли ишлар, муаммолар хусусида ахборот ва таҳлилий мақолаларни бериб бориш;

— таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик, дунё мамлакатлари билан тузилган битимларнинг бажарилиши юзасидан маълумотлар бериш;

— ёш авлодни миллий ғоя ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, инсонпарварлик ахлоқий меъёрларини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларни мунтазам ёритиб бориш;

— асрлар давомида шаклланган, жаҳоний эътибор қозонган бой тарихий, маданий, маънавий меросимиз намуналарини газетхонларга мунтазам равишда етказиб бориш;

— дунё таълимидаги ҳамда бошқа қизиқарли янгиликлар билан муштарийларни мунтазам таништириб бориш. Газета жамоаси ана шу мақсад ва вазифаларга эришиш орқали зиёлиларнинг ижтимоий-сиёсий, маърифий,

ахлоқий-таълимий вақтли нашри бўлишга эришишни кўзда тутди. Газета жамоаси хатлар ва газета ўқувчиларининг бошқа мурожаатлари билан ишлаш тартибини «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун асосида бирлашган тахририят таркибида мустақил равишда белгилайди.

Газета жамоаси бирлашган тахририят таркибида ўз мақсадларига эришиш учун қўйидаги вазифаларни бажаради:

а) асосий вазифалар:

— газетанинг мазмунан ва шаклан мақсадга мувофиқ равишда чиқиб туришини таъминлайди;

— газета ҳамда бошқа матбаа маҳсулотлари матнларини теради, саҳифалайди(вёрстка), дизайн ишлари билан шуғулланади;

— байрам ва турли тадбирларга бағишланган, газетанинг ўз рекламаси сифатидаги ҳамда тижорат мақсадидаги махсус рангли сонларини чоп этади;

— фанлар ва таълим-тарбияга оид муҳим мавзулар бўйича илмий-методик, публицистик, фалсафий, ахлоқий, эстетик, адабий-бадий иловаларни, шунингдек, «Ma'rifat» gazetasi kutubxonasi» туркумини ва бошқа таълимга оид меъёрий ҳужжатларни буюртма асосида қонун-қоидаларда белгиланган тартибда нашр қилади.⁷⁵

Бундан кўриниб турибдики, газета ўз олдида таълим-тарбияга оид барча масалаларни жамият, давлат, эл-юрт манфаати нуқтаи назаридан ўрганиш, кун тартибига қўйиш, муҳокама қилиш, муаммоларнинг илмий, назарий, амалий ечимларини топишда таълим ходимларига кўмаклашиш, таълим-тарбия мазмуни, шакллари ва усулларини такомиллаштириш, халқ таълими ходимларининг, камол топаётган ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби долзарб масалаларни қўйган. Булар юзасидан эса газетанинг

⁷⁵ «Ma'rifat»—«Учитель Узбекистана» газеталари Устави.

хар бир сонида тўхталиб ўтилади. Бугунги кунда 52300 тиражда⁷⁶ нашр этилаётган газета ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириб келмоқда.

Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг дизайни, материалларининг мавзулари ва рукнлари ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Чунки уларда нафақат миллий таълим тизимининг фаолияти, балки хориж таълим тизими ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигида нашр этиладиган, илмий-методик, ахлоқий-таълимий, оммабоп «Бошланғич таълим» журнали рукнлари мисолида соҳага ихтисослашган нашр ва унда фаолият юритаётган журналистларнинг ихтисослашувини кўришимиз мумкин. 1992 йил январдан буён чиқаётган журналда бугунги кунда доимий равишда қуйидаги рукнлар ўрин олади: «Жараён», «Воқеалар, далиллар, рақамлар», «Синф раҳбари», «Муносабат», «Махсус таълим», «Ўқитувчи учун манбаа», «Методик тавсия», «Ўқитувчига ёрдамчи», «Давр муаммоси», «Мулоҳаза учун мавзу», «Замон билан ҳамнафас», «Тажриба», «Ўқитувчига ёрдам», «Сарҳисоб», «Кўргазмали курул», «Ўқувчи кўнглига йўл», «Мактаб саҳнаси», «Тавсия», «Тўғарак машғулотларида», «Замонавий муаллим қиёфаси», «Шифокор маслаҳати», «Сўранг — жавоб берамиз», «Устозлар тажрибаси», «Ўқитувчи ён дафтарига», «Қадрият», «Спорт — соғлиқ гарови», «Ота-оналар саҳифаси», «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш», «Мутахассис минбари», «Соғ танда — соғлом ақл», «Саломатлик асослари», «Синаб кўринг», «Устозларимиз ижодидан», «Дам олиш дақиқалари», «Хорижий янгиликлар», «5 minutes for a rest», «Фойдали маслаҳатлар».

32 саҳифада чоп этилаётган журналдаги рукнларда муаллиф бевосита таълим соҳасида фаолият юритаётган педагог ёки шу соҳага ихтисослашган журналист бўлади. Агар муаллиф педагог бўлган тақдирда ҳам журналист материални нашрга тайёрлайди, бунда унга айнан ушбу соҳага

⁷⁶ Ma'rifat, 2017 йил 17 май №39 (9000).

ихтисослашганлиги ёрдам беради. У нафақат бу соҳага оид мақолалар ёзади, балки журнал мактабларда фаолият юритаётган бошланғич синф ўқитувчилари учун мўлжалланганлиги сабабли ҳам турли фанлардан турли мавзулардаги дарс ишланмалари тақдим этиб борилади. Ёш ўқитувчилар бу дарс ишланмаларидан унумли фойдаланиши ва тажрибали устозларнинг маҳоратини ўрганиши журналнинг ҳар сонини режалаштиришда ҳамда мавзуларни танлашда куйидагиларга эътибор қаратилади:

— журналнинг ҳар сонида бошланғич синфнинг ҳар бири (1—4) учун камида биттадан дарс ишланма бўлиши;

— унинг фанлар бўйича мутаносиблиги (1-синфга математикадан дарс ишланмаси берилса, 2-синфга атрофимиздаги олам, 3-синф учун табиатшунослик, 4-синфга ўқиш ва ҳоказо);

— дарс қайси чорак учун мўлжалланганлиги (одатда мавзулар икки ой олдин журнал саҳифаларидан ўрин олади, сабаби узоқ ҳудудлардаги ўқитувчиларимиз журнални қўлига олгач, ундан унумли фойдаланиши);

— берилаётган материаллар барча ҳудудларни қамраб олиши (ҳар бир вилоятдан бирор материал берилишига эътибор берилади);

— ўқитувчилар талаб ва таклифлари ҳар йили матбуот кунлари доирасида ўрганилади ва бу асосида ундаги рукнлар, мавзулар ҳамда жанрлар белгиланади.

Айтиш лозимки, ОАВ тили кўпинча маданият кўзгусига қиёсланади. Унда нафақат инсонни ўраб турган олам, реал ҳаётини вазият, балки халқнинг ўз-ўзини ижтимоий англаш даражаси, менталитети, миллий характери, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, қадриятлар тизими, дунёқараши ҳам акс этади. Шу сабабдан, «Шарқ матбуоти кўпинча эзгу ишларни ахтаради, ижобий томонларни топиб, мактаб туради, яъни «Яхшилик кўпроқ бўлсин!» Ғарб матбуоти асосан негатив излайди, иллатларни топиб, фош қилади, яъни: «Ёмонлик камроқ бўлсин!» Иккиси ҳам тамойил сифатида тўғридир. Сир-синоат шундаки, Ғарб

матбуоти самаралироқ, чунки эзгулик мақтовга муҳтож эмас, ёвузлик эса доимий назорат остида бўлиши керак».

Ҳар бир нашр, телекўрсатув ёки радиоэшиттириш ўз аудиторияси, яъни мухлис-муштарийсига эга бўлсагина, ҳақиқий маънода фаолиятини самарали ташкил этишга эришган ҳисобланади. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг заруратини, энг аввало, эҳтиёж, талаб ва таклиф белгилайди. Аудиторияси, ўқувчисини тополмаган нашр ёки томошабин, тингловчиси йўқ дастур эътибордан қолиши, иқтисодий таназзулга учраши табиий. Бу — бозор иқтисодининг ўзгармас қонуни. Буни биз танлаган ихтисослашган нашрлар тушуниб етган. Уларнинг ўзига хослиги ҳақида гап кетганда, аввало, нашрнинг тилини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Айтайлик, тиббиёт ёки техникага оид терминларни ҳамма ҳам тушунавермайди. Бу соҳаларда мақола тайёрланса ҳеч бўлмаганда 5-6та сўзларнинг маъносини изоҳлаш ёки қавс ичида нимани англатишини бериб ўтишга тўғри келади. Аммо таълим-тарбия йўналишидаги материалларда бу каби ҳолатлар камдан-кам кузатилади. Сабаби, мамлакатимиздаги 9+3 мажбурий, бепул таълим тизимида ўқиган ва унинг бевосита гувоҳи бўлаётган катта ёшдаги ҳар бир фуқарода бу жараён ҳақида тасаввур бор. Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларнинг бу ўзига хослиги орқали янгиликлар, ихтиролар, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни кенг оммага етказиш биров енгиллашади.

Дунё миқёсидаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, кишилиқ жамияти тараққиётининг айна босқичи шундай ўзига хос хусусиятга эгаки, унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикрлаш, янги техника ва технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб-этади. Замонавий билимларга эга, янгича фикрлайдиган, ўз келажagini жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан мамлакатимизнинг ёруғ истиқболини жаҳон ҳамжамятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган, юксак марраларни забт этаётган янги авлод вакиллари камол топмоқда.

«Хуррият» газетасининг 2014 йил 10 сентябрь сонида «Таълим, тарбия тинчлик ва тараққиёт гарови» сарлавҳали шарҳ берилганди. Муаллиф «Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази эксперти Шарофиддин Тўлаганов таълим-тарбиянинг давлатлар тараққиёти гарови эканлигига тўхталар экан шундай фактларни келтириб ўтганди: «ЮНЕСКО ташкил этилган 1945 йилдан бери ташкилот саводсизликка қарши курашиб келади. Мазкур муаммо миллий ва халқаро даражада муҳокамалар мавзуси бўлиб келаётган бўлишига қарамай, сайёрамизда катта ёшдаги 781 миллион киши ўқиш ва ёзишни билмайди. Кўрилаяётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида таълим соҳасида бир қатор муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бироқ шунга қарамай 77 миллионга яқин бола умуман мактабга бормайди. 2000 йилда Сенегал пойтахти Дакарда бўлиб ўтган Жаҳон таълим анжуманида 180 та давлат вакили 2015 йилга бориб барча ўғил-қизларнинг бошланғич таълим олишини таъминлашга эришиш борасида «Таълим барча учун» номли қарор қабул қилинган эди. Бу ўша йили жаҳон давлатлари раҳбарлари томонидан қабул қилинган БМТнинг Мингйиллик мақсадлари ҳужжатида яна бир бор ўз аксини топди».⁷⁷ Аммо бу ҳамон ҳаётда ўз ифодасини топгани йўқ. Дунёда ҳар бир давлат келажагини ўйласа, таълим соҳасига эътибор қаратиб, унга сармоя киритишдан қочмайди. Сабаби бу соҳага ажратилаётган маблағ келгусида фойда билан қайтади. Ҳеч бир соҳа таълим сингари алоҳида эътиборни талаб этмайди, назаримда.

Таълим соҳасига ихтисослашган нашрлар талайгина. Россия газеталари мисолида унга тўхталамиз. Биргина «Первое сентября» нашриётида нашр этиладиган «Инглиз тили», «Мактаб кутубхонаси», «Биология», «География», «Мактабгача таълим», «Соғлом болалар», «Информатика», «Тасвирий санъат», «Тарих», «Синф раҳбари ва ўқувчилар тарбияси», «Адабиёт», «Математика», «Бошланғич таълим», «Немис тили», «Рус тили», «Мактабда спорт»,

⁷⁷ Тўлаганов Ш. Таълим, тарбия тинчлик ва тараққиёт гарови //Hurriyat, 2014.

«Технология», «Мактаб бошқаруви», «Физика», «Француз тили», «Кимё», «Ота-оналар мактаби», «Мактаб психологи» каби кўплаб журналлар нашр этилади.

Хулоса сифатида айтиш керакки, таълим-тарбияга ихтисослашган нашрлар мавзулари, маълумотларни етказишда қўлланиладиган жанрлари, муаммога ёндашув усуллари ва ўзининг дизайни билан алоҳида ажралиб туради. Буни биз «Ma'rifat» газетаси ва «Boshlang'ich ta'lim» журнали мисолида кўриб чиқдик. Ўзига хослиги билан ажралиб турадиган бу соҳа нашрлари долзарб муаммоларни жамоатчилик эътиборига энг мақбул усулларда етказиш орқали масалага янги ечимлар топиш имконини беришга ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг 27-моддасига асосан юқоридаги икки нашрнинг электрон шакли (www.marifat.uz, www.bt-jurnal.uz) фаолият юритмоқда. Улар соҳа вакилларининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда мавзуларни чуқур таҳлил этиб бораётгани учун ҳам аллақачон ўз ўқувчисига эга бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, ихтисослашув масаласи – журналистика самарадорлигининг омили. Шу боис журналист кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида, факультетларда уни янада такомиллаштириш чоратадбирлари режалаштирилган, мақсадли кадрларни тайёрлаш концепцияси ишлаб чиқилган. Мазкур муаммолар юзасидан тадқиқот мавзулари банки яратилган ҳамда бир қатор талабалар мазкур мавзулар бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар.⁷⁸ Бу эса ихтисослашувнинг аҳамиятини, шунингдек, ихтисослашган нашрларда фаолият юритаётган журналистларга масъулият юкланаётганлигини тасдиқлайди.

⁷⁸ Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув//Ўзбекистон матбуоти. – 2014. – №1. – Б. 38-39.

3.2. Таълимга ихтисослашган журналистларни етиштиришда «Маҳорат мактаблари»нинг ўрни

Радио кашф этилиб, кенг истеъмолга кирган даврлардаёқ, матбуотнинг тезкор ҳамда оптимал ахборот узатиш воситаси сифатидаги нуфузи сезиларли даражада пасайди. Бироқ, рақобатда енгилмаслик учун газета ва журналлар асосий эътиборни таҳлилий ҳамда сенсацион-кўнгилочар материалларга қарата бошлади. Чунки газетада ахборотни тўлиқ ва бирмунча эркин узатиш имконияти мавжуд, унинг аудиторияси тезкор ва қисқа ахборотларга эмас, шарҳлар, тафсилотлар, мулоҳазага ундовчи материалларга кўпроқ эҳтиёж сезади. Босма ОАВда техника, ранг-баранг кадрлар, баланд овозлар ҳамда монтаж ёрдамида «сайқалланган» тасвирлардан фойдаланиш имконияти йўқ. Оммавий коммуникация воситаларининг руҳиятга таъсири ҳақида гапирар экан, Ричард Харрис шундай дейди: «Телевизор ёки радиони ёлғиз ҳамда жамоавий тарзда томоша қилиш, эшитиш мумкин. Газета ва журналлар мутолааси эса, аксарият ҳолларда индивидуал мушғулотдир».⁷⁹ Бу «индивидуал машғулот» жамиятнинг сиёсий-мафкуравий соҳасига хизмат қилади. Даставвал публицистиканинг асосий функцияси сифатида тилнинг таъсир этиш (волюнтатив) хусусияти эътироф этиларди. Лекин бугунги кунда биз ахборотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни нақадар муҳим аҳамият касб этаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Замонавий публицистик услубда тилнинг икки тенг ҳуқуқли вазифаси кўзга ташланади: ахборот бериш ва таъсир этиш. Информацион жанрлар ахборот бериш, таҳлилий жанрлар предмет ёки воқеа ҳодисани таҳлил қилиш, бадий публицистика эса кўпинча таъсир этиш функцияларини бажаради.

Бугун ОАВнинг ҳар бир тури жамият ҳаётида ўз ўрнига эга. Бугун босма нашрларнинг ёритиш усули интернет нашрлардан тубдан фарқ қилади. Кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўз саҳифаларида ҳеч бир монеликсиз

⁷⁹ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.: Тафаккур, 2011. — Б. 25.

билдиришлари учун эркин минбарлардан ҳисобланади. Журналист ўзи ихтисослашган йўналишдан келиб чиққан ҳолда баркамол авлодни камол топтиришга доир чора-тадбирларнинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишнинг самарали усуллари танлаш бугуннинг талабига айланиб улгурди.

«Бошланғич таълим» журнаlining бош муҳаррири, филология фанлари номзоди Ҳалим Саидов «Талаба қизимга мактублар» деб номланган китобида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг қуйидаги фикрини келтириб ўтади: «Дунёда нима кўп — соҳа ва мавзу кўп! Инсоният учун уларнинг бари бир-биридан муҳим, бироқ битта журналист дунёдаги барча мавзуда бирдек қалам тебратавермайди-ку. Тўғрими? У ҳолда нима қилмоқ керак?

Ўзингиз нимага қизиқишингизни ўзингиз учун аниқлаб олмоғингиз керак! Инсон ёши улғайгани, дунёқараши шакллангани сари қизиқиш доираси ҳам ўзгариб, кенгайиб бораверади. Журналист қанчалик кўп нарсани билса, шунча кам, бироқ бу барча мавзуда бирдек маҳорат билан ёза олади дегани эмас. Қизиқишингизни жиловлаб олиш деганда ўзингиз қизикадиган, яъни ўзингиз ҚИЗИҚИШ билан ўрганадиган, қизиқиб ёза оладиган мавзуларни аниқлаб олишни назарда тутган эдим. Чунки биринчидан, одам қизиққан мавзуси билан қанчалик кўп шуғуullanмасин, сира чарчамайди. Зерикмайди. Ўзи зерикмайдиган мавзудагина одам бошқаларни ҚИЗИҚТИРА оладиган нарса ёзади!»⁸⁰ Бу билан талаба қизиққан мавзуларини танлаб олиши келгусида унинг ихтисослашишига замин бўлишини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, ушбу китобида «Семестр амалиёти даврида марказий нашрлар қошида ташкил этиладиган «Маҳорат мактаблари»да иштирок этиш ҳам яхши самара беради. Бунга камида иккинчи курсда таҳсил олаётган талабалар қабул қилинадиган

⁸⁰ Сайид Ҳ. Талаба-журналистга мактублар. – Т.: «Сано-Стандарт», 2016. – Б. 43.

«Ma'rifat» маҳорат мактаби»ни мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин»⁸¹ деб ёзганди.

Журналистика факультетлари талабалари дарслар давомида олган билимларини амалда мустаҳкамлаши учун уларга ёзги ва семестр амалиёти жорий этилган. Талабалар назария билан амалиётни уйғунликда олиб боришлари, келажак фаолиятида қийинчиликларга учрамаслиги ва журналистлар тажрибасини ўрганиши учун яна бир имконият газеталар қошида ташкил этиладиган «Маҳорат мактаблари»дир.

Улар журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабалар учун катта тажриба майдонини ўтайди. «Хуррият», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Жамият», «Оила ва жамият», «Адолат» газеталарининг маҳорат мактаблари бир неча йиллардан буён бўлғуси журналистларга касб сирларини ўргатишда намуна ҳисобланади. «Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти қошидаги маҳорат мактаби ҳам айнан талаба-журналистлар учун мўлжалланган. ЎзДЖТУ ва ЎЗМУ журналистика факультетлари мутахассислари ҳамкорлигида «Ижодий устахонада таълим» дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда «Ma'rifat» газетасида қўлланиладиган янгиликлар, репортёрлик маҳорати, таҳлилий журналистика, бадий публицистиканинг амалий жиҳатлари аниқ ижодкорлар мактаблари мисолида ўргатилади. Ушбу мактабнинг асосий вазифаси талабаларни таълим-тарбия, маънавий-маърифий йўналишга ихтисослаштириш, журналистика турлари бўйича ёзиш маҳоратини ошириш ва амалда қўллай олишга йўналтириш ҳисобланади. Талабаларда публицистиканинг муайян турлари (янгиликлар журналистикаси, репортёрлик маҳорати, таҳлилий журналистика, бадий публицистик) бўйича билимларини бойитади. Ушбу маҳорат мактабининг собиқ тингловчилари бугунги кунда турли оммавий ахборот воситаларининг турли кўринишларида фаолият юритиб келмоқда. Дастлаб газета ходимларини соҳага

⁸¹ Сайид Ҳ. Талаба-журналистга мактублар, - Т.: «Сано-Стандарт», 2016. – Б. 40.

ихтисослаштириш мақсадида ташкил этилган маҳорат мактабида таҳсил олган Икром Бўрибоев (Ўзбекистон Республикаси Президент девони), Хусан Нишонов («Маърифат» газетаси), Фахриддин Каримов («Туркистон газетаси»), Баҳодир Жовлиев («Тил ва адабиёт таълими» журнали), Бахтиёр Ёқубов (Ўзбекистон Республикаси Президент девони), Дилшод Каримов («Ҳуқуқ ва бурч» журнали) таҳсил олган. Кейинчалик журналистика факультетлари талабалари дарс олган. Масалан, Камола Полвонова («Фарғона ҳақиқати» газетаси), Фарида Эгамбердиева («Даракчи» газетаси), Башорат Отажонова («Бошланғич таълим» журнали), Фирдавс Хайриддинов (Ўзбекистон темир йўллари АК матбуот хизмати), Саид Махсумов («Халқ сўзи» газетаси), Шахобиддин Мусаев (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қошидаги Мониторинг маркази), Олим Жумабоев («Оила ва жамият» газетаси), Ҳаким Йўлдошев («Жамият» газетаси), Элдор Мадатов (ФВВ матбуот хизмати), Маъмура Ёқубова (Жиззах шаҳар хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати), Аслиддин Бозоров (Ўзбекистон Республикаси Президент девони босмахонаси), Шахрибону Имомова («Бухоронома» газетаси), Сурайё Сирожиддинова («Бошланғич таълим» журнали), Зебо Хайитова («Маҳалла» газетаси), Кумар Бегниязова (Нукус давлат университети журналистика бўлими), Насибели Мамбетризаева («Маърифат» газетаси), Самандар Боборажабов («Қизилқум ФК матбуот хизмати»), Абдулазиз Мусаев («Тошкент ҳақиқати» газетаси), Садоқат Рўзиева («Умутаълим фанлари методикаси» журнали), Дилмурод Дўстбеков («Маърифат» газетаси), Фурқат Алимардонов («Маърифат» газетаси), Чарос Низомиддинова («Маърифат» газетаси) амалий фаолиятда ўз ўринларига эга бўлиб, журналистик фаолиятни муваффақиятли олиб бормоқдалар.

Жорий йилда худди шундай маҳорат мактаби «Бошланғич таълим» журнали қошида ташкил этилди. Дастлаб, журнал фаолиятига тўхталиб ўтсак. Юртимиз таълими тизимидаги, шунингдек, дунё таълимидаги янгиликларни ёритиш, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш

миллий дастури тўғрисида»ги конунларга асосан ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ҳаётга татбиқ этишда бошланғич таълим методикасининг долзарб масалалари бўйича янгиликларни ёритиш, таҳлилий мақолалар ёзиш, давра суҳбатларини ташкил этиш; янги дарслик ва ўқув кўлланмалари билан ишлаш бўйича ахборотлар, методик тавсиялар, дарс ишланмалари, илғор иш тажрибаларини мунтазам чоп этиш; олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тажрибаларини, муаммоларини ёритиш бўйича илмий, ахлоқий-маърифий мақолалар ҳамда методик тавсиялар бериш; мактаб ва оила ҳамкорлиги, ота-оналар билан ишлаш, болалар таълим-тарбиясига уларнинг иштирокини оширишда журналдаги чиқишлар орқали ёрдам бериш каби масалалар назарда тутилган.

Бугунги кунда таҳририятда «Ижтимоий-гуманитар фанлар ва махсус таълим бўлими», «Аниқ, табиий ва эстетик тарбия йўналишидаги фанлар бўлими», «Чет тили, халқаро янгиликлар ва спорт бўлими», «Бошланғич таълим-тарбия методикаси ва илмий тадқиқотлар бўлими» фаолият юритмоқда. Бу жараёнда ижодкор педагог-муаллифларнинг ўрни алоҳида эканлиги эътиборга олиниб, бошланғич таълимнинг бугунги долзарб муаммоларига бағишланган мақолалар, айниқса, муаммо пайдо бўлиши ва уни бартараф этиш борасидаги, ўқитиш жараёнида инновацион ёндашув, қўтилмаган усулларнинг қўлланилишида муаллифнинг шахсий педагогик тажрибаси намоён бўлган материаллар журнал аҳамиятини оширмоқда.

Таълимда масалалар катта-кичикка ажратилмайди — ҳаммаси муҳим. Шу боис йирик муаммо кўтарилган мақолалар билан бир қаторда амалиётчи ўқитувчиларнинг шахсий методик тажрибасидан ўрин олган таълим-тарбиянинг кичик бўлсада, нозик жиҳатлари акс этган муваффақиятли вазият ва жараёнлар кўпчилик учун қизиқарли. Ўқувчининг ижодий имкониятларини

ривожлантирадиган, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил этилган дарслар, тарбиявий соатлар, тўғарак ишлари ва бошқа синфдан ташқари машғулотлар ҳам таҳририят учун қимматли ҳисобланади. Ҳар бир ижодкор ўқитувчининг янгиликка интилиб, бир хилликдан қочишга ҳаракат қилиши табиий. Бундай фазилатлар журналистлар учун ҳам бегона эмас. Шу боис муштарийлар, яъни ижодкор муаллимлар ва бошланғич таълим соҳасида ёзадиган муаллифларни танловга таклиф этилди. Натижа эса кутилганидан яхши бўлди. Аввало, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўз янгиликлари билан таҳририятга мурожаатлари кўпайиб, юборилаётган материал сифати яхшиланди. Фикримизни юртимизнинг турли гўшаларида болаларга сабоқ бериб, шу билан бирга тажрибаларини бизга юборган ва танловда ғолиб чиққан ўнлаб илғор қарашли муаллимлар мисолида исботлашимиз мумкин. Колаверса, ёзувчи, журналист ва фотомухбирлар ҳам энг яхши деб топган ижод намуналари билан қатнаша бошладилар. Танлов «Энг яхши бир соатлик дарс ишланмаси учун», «Энг яхши кўргазмали қурол ёки слайд учун», «Энг яхши мақола учун», «Энг яхши методик материал учун», «Энг яхши бадиий асар учун», «Энг яхши интервью ёки янгилик учун», «Энг яхши фотосурат ёки бошқотирма учун» номинациялари бўйича ҳар уч ой(квартал)да бир маротаба ўтказилади. Журналда чоп этилган энг сара материаллар таҳририят ижодий ходимларидан ташкил топган таҳлил гуруҳи томонидан аниқланади. Ғолиблар энг кам иш ҳақининг бир баробаридан уч баробаригача миқдоридаги маблағ ҳамда таҳририятнинг махсус дипломи билан тақдирланадилар.

Ўзбекистон таълими узлуксиз равишда ривожланар экан, бу ўзгаришларни чуқур англаб, ёрита оладиган, бошқача айтганда, ихтисослашган ижодий ходимларга эҳтиёж тобора ортади. Даврнинг ана шу талабларини назарда тутиб, шунингдек, зарурат туғилганда журналистлар малакасини ошириш, таҳририят учун ихтисослашган ёш кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга

кўйиш мақсадида «Журналист» маҳорат мактаби ташкил этилди. Айни пайтда биринчи тингловчилар таҳсилни якунлади. Унда таълим-тарбия мавзусига ихтисослашган ижодкорлар — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналистлар, «Энг улуғ, энг азиз», «Йилнинг энг фаол журналисти» танловлари, «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндорлари, шунингдек, «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони сохиблари — таълим методикаси билимдонлари сабоқ беради.⁸²

Ушбу маҳорат мактабининг илк тингловчилари 11 нафарни ташкил этди. Улар 3 ой давомида 11 дарсдан иборат машғулотда иштирок этишди. Хулкар Тўйманова, Ойбуви Очилова, Хусан Нишонов, Фаррух Жабборов, Маҳмуд Саъдий, Абдуғани Жумаев, Ҳалим Саидов, Ҳамза Абдуллаев, Шаҳноза Восикова, Насиба Эрхонова, Санобар Жуманова сингари мутахассислар дарс беришди. Улар таълим-тарбияга ихтисослашган журналист сифатида талаба-журналистларга ўзларининг тажрибаларини ўртоқлашишди.

Дастлаб, тингловчилар орасида «Таълим-тарбия соҳасида ёзиш осонми?» сўрови ўтказилди. Натижага кўра, «Ёзиш мумкин — 9», «Қийин — 3», «Осон — 0» овоз тўплади. Таълим жараёнининг ичида эканлиги сабабли талаба-журналистлар ушбу соҳада ёза олишимиз мумкин, деган фикрга келишди. Аммо маҳорат мактаби дарслари ўз ниҳоясига етгач, 11 нафар тингловчининг 8 нафари соҳада ёза олишини исботлаб, сертификатга эга бўлди. Ўзининг шу соҳага қизиққанлиги билан алоҳида ажралиб турган икки нафар тингловчи ишга қабул қилинди. Талабаларга манзур бўлган машғулотлардан бири — таҳрир маҳорати билан боғлиқ бўлган Фаррух Жабборовнинг дарси бўлди. Унда дастлаб, талаба-журналистларга синтактик таҳрир, морфологик таҳрир, лексик таҳрир, мантикий таҳрир ва пунктуацион таҳрир сингари топшириқлар берилди. Ҳар бир топшириқ 10—15та гапдан иборат.

⁸² <http://www.uzhurriyat.uz/index.php/jurnalistika/1172-birinch-muallim-hamrohi>

Ушбу топшириқни ҳар бир талаба турлича таҳрир қилган ва бажарган. Бундан таҳрир қай йўл билан, ким томонидан амалга оширилмасин, унда муҳаррирнинг қараши, унинг билими акс этиши хусусида фикрлар билдирилди.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда ёш журналистлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашда маҳорат мактабларининг алоҳида ўрни бор. Бунда маълум вақтга мўлжалланган дастур асосида машғулот олиб бориш билан бир қаторда етакчи мутахассисларнинг 1-2 кунлик дарслари ҳам яхши самара беради. Шунингдек, журналистикага қизиқишни мактаб ёшиданоқ бошлаш, болаларнинг соҳани танлашига бўлган жараёнини тезлаштиради. Дастлаб, болаларда ўқишга бўлган қизиқишни уйғотиш зарур. Ва бунда аввало газеталарда уларнинг ўз тенгқурлари ижод намуналаридан, шундан сўнг эса «жиддийроқ», «салмоқлироқ» адабиёт намуналари сари йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ёшидаги болалар ўз олдига катта мақсадларни қўйиши ва унга турли олимпиада ва беллашувларда иштирок этишлари орқали эришишлари зарур. Беллашувлар натижалари эса даврий матбуот орқали эълон қилиб борилади. Шунингдек, таниқли шахслар ҳаётидан ибратли мисоллар келтириш ҳам болаларимизда мотивацияни, ўз устида ишлашга рағбатни уйғотиши шубҳасиздир. Ёш бўлишига қарамай бир қанча ютуқларни қўлга киритган болакайлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш натижасида мақсадга эришиш учун ёшликдан бошлаб ҳаракат қилиш кераклигини уқтириб бориш фақат ва фақат фойда бўлади. Ёш ва иқтидорли кадрларни журналистикага жалб қилишда айнан маҳорат мактабларининг аҳамияти катта.

Челябинскда эълон қилинган ва болаларни журналистикага қизиқтиришни, соҳага меҳр қўйган кадрларни тайёрлаш учун қилинган лойиҳани мисол сифатида келтириш мумкин. Челябинск вилояти Халқ таълими вазирлиги, Челябинск шаҳар таълим бошқармаси, жамоат ташкилотлари, музейлар, кутубхоналар ва мактаблар ҳамкорлигида ташкил этилган лойиҳа

доирасида «Поколение NEXT» деб номланган шаҳар газетаси ташкил этилди. Мақсадли аудиторияси мактаб ёшидаги болалар бўлган лойиҳанинг вазифалари:

1. Ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларни журналистикага жалб қилиш. Бунда болаларга ўзини журналист сифатида синаб кўриш имкониятини бериш кўзда тутилади. Қизиқувчан болаларни турли хил тадбирлар, интервьюлар, конференцияларда иштирок этиш имкониятини берилади. Шунда фаолиятида самарадорликка эришиб ота-оналар, таълим тизими мутасаддилари мулоқот қиладиган эркин майдонга, минбарга айлантириш мумкин.

2. Тажриба алмашувни йўлга қўйиш. Ўз соҳасининг билимдонлари бўлган профессионал журналистлар иштирокидаги мастер-класслар орқали уларнинг маҳорати сайқаллаб борилади.

3. Беллашувлар уюштириб, улар орқали болаларда соҳага қизиқишни шакллантириш.

4. Тимбилдинг усули. Бунда 2-3 кунлик дам олиш жойларига бориб, у ерда болаларда яшириниб ётган иқтидорни юзага чиқариш.

5. Болалар муҳарририятини ташкил қилиб, унда ёш иқтидорларнинг ўзларини журналист сифатида, вёрсткачи, дизайнер, фотограф, реклама масалалари мутахассиси сифатида синаб кўриш, уларда касбга доир маълум сифатларни шакллантириб боришни назарда тутати.⁸³ Газета 5000 нусхада 2012 йил 15 октябрдан бошлаб нашр этилади. Унда янги ва ёш журналистларнинг мақолалари чоп этилади ва мактаблар ҳамда туманлардаги меҳрибонлик уйларига бепул тарқатилади. Газета ойда икки маротаба нашр этилади. Бугунги кунда олий таълим соҳасида давлат гранти асосида таҳсил олиш учун абитуриентлар рақобатбардош бўлиш лозим. Журналистика факультетларига ҳужжат топширишда улардан нашр этилган материаллари сўралади, ёки

⁸³ <https://premiagi.ru/initiative/733>

ОТМларда чоп этиладиган 999 тираждаги газеталарда пул эвазига чоп этишади. Ушбу лойиҳада эса улардан пул олинмайди, балки уларни турли кўнгил очиш жойларига таклиф этилади. Ёш журналистлар катта аудиторияга чиқади ва олий ўқув юртига кириш учун «папка» йиғишади. Ҳозирда ушбу маҳорат мактаби иштирокчилари спорт журналистикаси бўйича, шаҳар ва туман ўйича танловларда ғолибликни қўлга киритди.⁸⁴

Журналистикага энди қадам қўяётган абитуриентлар учун олий ўқув юртларида ҳам маҳорат мактаблари ташкил этилган тажрибалар ҳам мавжуд. Москва давлат халқаро алоқалар институти (МГИМО)да ёш журналистлар мактаби 10 йилдан буён фаолият юритади. 16-18 ёшли қизиқувчилар учун дарслар ҳафтада бир маротаба, жума куни 17:00 дан 19:00 гача давом этади. Унда ўқувчилар университетнинг анъаналари, касблари билан танишиб, ижодий имтиҳонга тайёргарлик кўришади. Университетнинг халқаро журналистика факультети ўқитувчилари томонидан дарслар олиб борилиб, машҳур журналистлардан ҳам маҳорат дарсларини олишади. Уларнинг кўпчилиги ушбу университетнинг талабасига айланади.⁸⁵

Шунингдек, таълим-тарбияга ихтисослашган нашрлар қошида фаолият юритаётган маҳорат мактаблари ҳам талайгина. Россиянинг «Учительская газета»си бош муҳаррири Петр Положевецнинг шахсан ўзи маҳорат дарсларини ташкил этади. Ана шундай маҳорат дарсларидан бири — «Педагогик журналистика: ўргатишми ёки хабардор қилиш?» мавзусида бўлиб ўтган. Мутахассис дарсларини 4 асосий мавзуга ажратди. Биринчиси, сўровнома, иккинчиси, сайт фаолияти, учинчиси, кишиларнинг жонли фикри, тўртинчиси, таҳририят сиёсати ва расмий позицияси. Мутахассиснинг фикрича, педагогик

⁸⁴ <https://premiagi.ru/initiative/733>

⁸⁵ <mzh.mgimo.ru>

журналистиканинг вазифаларидан бири бугунги кунда таълим тизимида юз бераётган ислохотлар ҳақида аудиторияни хабардор қилишдир.⁸⁶

Хулоса ўрнида айтиш керакки, маҳорат мактабларининг ёш журналистларни, талаба-журналистларни маълум соҳага ихтисослаштиришда аҳамияти катта. Буни нашрлар қошида янги маҳорат мактабларининг иш бошлаётгани («Оила ва жамият» ва «Ватанпарвар» газеталари қошида маҳорат мактаблари ташкил этилган ва 1-тингловчиларга сабоқ берилмоқда)нида ҳам кўришимиз мумкин. Маҳорат мактабларида таҳсил олган талаба-журналист тажрибали журналистлардан соҳага ихтисослашиш борасида билим олади.

Юқоридаги бобнинг икки фаслида тилга олинган масалалар юзасидан хулосалар қилинди. Бугунги кунда юртимиз интернет журналистикасида ҳам ихтисослашув жараёни кузатилмоқда. Юртимиз интернет журналистикасида янгиликлар (www.gazeta.uz, www.kun.uz, www.daryo.uz, www.uz24.uz, www.podrobno.uz, www.anons.uz ва ҳ.), спорт (www.sports.uz), янада ихтисослашадиган бўлсак, футбол журналистикаси (www.uff.uz, www.stadion.uz, www.championat.asia) тараққий этапти. Айрим давлат ташкилотларининг ахборот хизматлари (www.gov.uz, www.soliq.uz, www.dtm.uz, www.customs.uz ва ҳ.) ҳам веб оламда муайян ихтисосликка оид маълумотларни мунтазам тақдим этмоқда. Шунингдек, турли соҳаларга ихтисослашган сайтлар ҳам ривожланмоқда (www.kommersant.uz – бизнес, www.bibi.uz – автотранспорт, www.ictnews.uz – ахборот технологиялари). Газета-журналлар (www.noviyvek.uz, www.uzbekistonovozi.uz, www.xabar.uz, www.marifat.uz), ахборот агентликлари (www.uza.uz, www.jahonnews.uz, www.turkistonpress.uz), радио ва телеканалларнинг (www.mtrk.uz) веб версияларида ҳам таҳририят

⁸⁶ <http://eurekanet.ru/ewww/info/15790.html>

ихтисосига кўра маълумотлар узатилади⁸⁷.

⁸⁷ <http://davronbek.ziyouz.com/?p=1407>

Хулоса

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий жабҳалардаги кенг кўламли ислохотларни тезкор, холис, чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда кенг оммага етказиш журналист кадрлардан пухта билим, маҳорат, ижтимоий фаоллик, ёритилаётган соҳани чуқур билишни, ихтисослашувни талаб этмоқда. Журналист мақола ёки суҳбат тайёрлаш мақсадида шифокор ҳузурига борар экан, унга шифокордан кам бўлмаган салоҳият ва билим даркор. Худди шунингдек, мухбир деҳқон билан деҳқондай, депутат билан депутатдек, ўқитувчи билан ўқитувчи сингари суҳбатлашиши, тилмоч билан ундан-да кўп тилни биладиган мутахассис каби салоҳиятга эга бўлиши шарт, шунинг учун ҳам маълум соҳада ихтисослашув масаласи заруратга айланди. Бу борада 2005 йилдан буён Ўзбекистон Миллий университети қошида фаолият юритаётган Олий журналистика курсларининг муайян йўналишлар бўйича ихтисослашувини таъминлаш мақсадида тўрт юз нафардан зиёд тингловчига магистрлик даражаси берилди. Мазкур курс тингловчилари ўзларининг бакалавр ихтисосликлари билан журналистикани умумлаштирган ҳолда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда ва демократик жамият ривожига маълум маънода рол ўйнамоқда. Аммо уларнинг кўпчилиги ўзининг бакалавр ихтисослиги бўйича фаолиятини давом эттирмоқда. Юқоридаги ва журналистика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларини тамомлаётган мутахассисларнинг соҳада фаолияти камайиши оқибатида оммавий ахборот воситалари фаолиятида айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам кузатилмоқда. Масалан, сиёсий билимлари етарли бўлган ёш мутахассисларнинг жуда камлиги, борлари ҳам турли «важлар» сабабли бу соҳада қалам тебратмаётганлиги фикримиз далилидир. Иқтисод, сиёсат каби соҳалар билан бир қаторда таълим соҳасига ҳам ихтисослашган кадрлар зарурдир. Сабаби, юртимизда таълим тизими сиёсат даражасига кўтарилган.

«Демократик жамият ривожда ихтисослашган нашрларнинг ўрни ва унда журналист маҳорати масалалари» мавзусидаги магистрлик диссертациясини тадқиқ қилиш давомида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

✓ Журналистикада ихтисослашувни керак ва уни керак эмас, деб ҳисоблайдиган икки гуруҳ мавжуд. Уни кераксиз дейишига журналистнинг маълум доирада, тармоқда чегаралаб қўйишини сабаб қилиб келтиришади. Аммо унинг фойдаси, заруратини маълум соҳани кенг, кўзга кўринмас жиҳатларини ёрита олиш билан белгилайдиганлар эса бирор соҳа якка ўзи ривожланмаслиги, у бошқа кўплаб соҳалар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини айтиб, журналист улкан маълумотлар блокини ўзида мужассам этиб, чегараланиб қолмаслигини таъкидлашади. Бирор соҳа бўйича қанча кўп билимга эга бўлса, уни ичига чуқур кириб борса, энг яхши материаллар ёзилади. Бу эса соҳа аудиториясини қайноқ хабарлар, таҳлилий материаллар билан таъминлашда ўз аксини топади.

✓ Соҳага оид материалларни ёритишда журналистдан катта маҳорат талаб этилади. Маҳорат деганда нафақат касбий билим, балки ёритилаётган соҳа, унинг тизимлари, ундаги янгиланиш ва муаммолар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш — ихтисослашиш зарур бўлади. Акс ҳолда у тайёрлаган материалда непрофессионаллик кўринади, мавзунинг асл моҳияти очилмайди.

✓ Ихтисослашув ичида ихтисослашув тушунчаси тобора аҳамият касб этмоқда. Буни биз танлаган объектлар мисолида кўришимиз мумкин. Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрларда фаолият юритаётган журналистлар таҳририятдаги бўлимлар (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, мактабдан ташқари таълим, спорт) бўйича, шунингдек, жанрлар бўйича ҳам ихтисослашганлигини таҳлил қилган материалларимиз мисолида кўрдик.

✓ Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрлар мавзулари, маълумотларни етказишда қўлланиладиган жанрлари, муаммога ёндашув усуллари ва ўзининг дизайни билан алоҳида ажралиб туради. «Ma'rifat» газетаси, «Учительская

газета» ва «Boshlang'ich ta'lim» журналидаги долзарб муаммоларни жамоатчилик эътиборига энг мақбул усулларда етказиш тажрибаси тадқиқ этилганда ихтисослашган журналистларнинг материали сифати юқорилиги кўринди.

✓ Таълим-тарбияга ихтисослашган нашрлар қайси давлатда чоп этилмасин, ўша мамлакатнинг таълим тизими, унда олиб борилаётган ислохотларни ёритишга, муаммоларни бартараф этиш чораларини излашга ҳаракат қилади. Биз қиёсий таҳлил қилган «Ma'rifat» ва «Учительская газета» газеталари ва «Бошланғич таълим» журнали ўз олдига қўйган мақсадларини бажармоқда. Уларда фаолият юритаётган журналистлар бу соҳага ихтисослашган, шу сабабли улар тайёрлаган материаллар мазмунли ва ўқишли чиққан.

✓ Ҳар бир соҳанинг (сиёсий партиялар, иқтисод, ҳуқуқ ва ҳоказо)

нашрлари таҳририяти қошида шундай ихтисослашган маҳорат мактабларини ташкил этиш давр талабидир. Маҳорат мактабларида тингловчилар махсус тузилган дастур асосида ўқитилса, ихтисослашувда яхши самара беради. «Ma'rifat» газетаси қошидаги маҳорат мактабигина дастур асосида фаолият юритади. Бошқа газеталар қошидаги маҳорат мактаблари («Hurriyat» ва «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» газеталари)нинг ўқув дастури йўқ ва бу тингловчиларнинг тизимли малака олишларига тўсқинлик қилади. Биз тадқиқ қилган мавзу юзасидан қуйидаги тавсияларни беришни маъқул топдик:

Биринчидан, таҳририятлар қошида ташкил этилган бу каби маҳорат мактаблари ёш журналистларнинг ихтисослашишларида ёрдам беради. Бунда тажрибали журналистларнинг фаолияти ва тажрибаси, газетанинг тайёрланиш жараёнига гувоҳ бўлиши (материалларни муаллифдан қабул қилишдан тортиб нашриётга босиш учун топшириш вақтига қадар) катта ёрдам беради.

Иккинчидан, ёзги, кузги ва қишки амалиёт сингари талабалар дарсларда олган назарий билимларини амалиётда қўллашда катта тажриба майдони

бўлади. Бунда таҳририят имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларни баъзи тадбирларни ёритишга юбориш ҳам мумкин.

Учинчидан, ўз аудиториясини қизиқтирган маълумотлар билан таъминлашда малакали мутахассисларни кутаётган таҳририятларга бу борада амалий ёрдам беради. Кўплаб газеталар қошидаги маҳорат мактаблари фундаментал иш олиб бормаганлиги сабабли бу мактаб битирувчилари амалий билимга етарли даражада эга бўлмайди ва бошқа бир таҳририятга боришига ёки бошқа соҳада ўзини синаб кўришига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, талаба-журналистлар ўзларини ижобий томондан кўрсата олганларида уларнинг иш билан таъминланиши осон кечади. Бунда таҳририят ўз фаолияти билан таниш мутахассисга эга бўлса, талаба-журналист ҳали олий ўқув юртини тугатмасидан иш жойи тайин бўлади.

Бешинчидан, «Ma'rifat» газетаси «Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловида маҳорат мактабининг тингловчилари ва талабалар учун номинациялар ажратган бўлиб, бу уларни билимини чархлаш ва рағбатлантиришга ёрдам беради. Маҳорат мактабларини ташкил қилаётган таҳририятларга ана шундай танловларни ҳам жорий этиш тавсия этилади.

Олтинчидан, журналистларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлари ва таҳририятлар ўртасида мустаҳкам алоқа ҳам ўрнатилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бу каби маҳорат мактабларини ташкил этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.

II. Расмий адабиётлар:

- 2.1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
- 2.2. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
- 2.3. Каримов И. А. «Оммавий ахборот воситалари ходимларига»//Hurriyat, 27 июнь, 2009.

III. Махсус адабиётлар:

- 3.1. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. – М.: «КНорус», 2010.
- 3.2. Горохов В.М. Основы журналистского мастерства. – М., 1989.
- 3.3. Данияров Б.Х., Раҳимов А.Э., Жабборов Ф.Ҳ. Ахборот асрида таълим-тарбия. – Т.: «Академнашр», 2012.
- 3.4. Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув-услубий семинарлар, конференциялар бўйича материаллар тўплами. – Т., 2011.
- 3.5. Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув-услубий семинарлар бўйича материаллар тўплами. – Т., 2012.
- 3.6. Ким М.Н. Технология создания журналистского произведения. – Санкт-Петербург, 2001.
- 3.7. Ким М.Н. Основы творческой деятельности журналиста. – Питер,

2011.

3.8. Колесниченко А.В. Настольная книга журналиста. Учебное пособие. – М.: «Аспект Пресс», 2013.

3.9. Колесниченко А.В. Практическая журналистика. Учебное пособие. – М.: Издательство Московского университета, 2008.

3.10. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. – М.: «Аспект Пресс», 2001.

3.11. Мисонжников Б.Я., Тепляшина А.Н. Журналистика. Введение в профессию. – Питер, 2014.

3.12. Мисонжников Б.Я., Тепляшина А.Н. Журналистика. Введение в специальность. Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. – Санкт Петербург, 2012.

3.13. Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари мавзуида II илмий-амалий семинар материаллари. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2013.

3.14. Прохоров Е.П. Журналистика и демократия. Учебное пособие. – М.: «Аспект Пресс», 2004.

3.15. Рендалл Д. Универсальный журналист. – Алматы, 1996.

3.16. Репкова Т. Новое время: как создать профессиональную газету в Демократическом обществе. – М.: IREX ПроМедиа, 2004.

3.17. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: «Академия», 2008.

3.18. Саифназаров И., Қосимов Б., Мухторов А., Никитченко Г. Фаннинг фалсафий масалалари. – Т.: «Фан ва технология», 2007.

3.19. Сайид Ҳ. Туғилдингми, бу дунёда толибсан! – Т.: «Маънавият», 2007.

3.20. Сайид Ҳ. Талаба қизимга мактублар. – Т.: «Баёз», 2014.

- 3.21. Сайид Ҳ. Талаба-журналистга мактублар. – Т.: «Сано-Стандарт», 2016.
- 3.22. Свитич Л.Г. Журнализм в системе глобальных информационно-креативных процессов. – М., 2002.
- 3.23. Солганик Г. Я. О языке и стиле газет. – М.: «Прогресс», 2000.
- 3.24. Тертычный А.А. Аналитическая журналистика. – М.: «Аспект Пресс», 2013.
- 3.25. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М., 2000.
- 3.26. Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қонидаси. – Т.: «Шарқ», 2002.
- 3.27. Халқ зиёлилари газетаси. – Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти», 2011.
- 3.28. Харрис Р. Психология массовых коммуникаций. – М.: «Олма-Пресс», 2002.
- 3.29. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: «Тафаккур», 2011.
- 3.30. Эверетт Д. Настольная книга журналиста.
- 3.31. Archarya K., Noronho F. The Green Pen. Environmental Journalism in India and South Asia. SAGE Publications Pvt. Ltd., 2010.
- 3.32. Gerbner G. The future of media: Digital Democracy or More Corporate Control? – New York: Seven Stories Press, 1999.

IV. Даврий нашрлар:

- 5.1. Каримов Ф. Журналист кадри//Hurriyat, 22 июль, 2009.
- 5.2. Кострова В. А дерево жизни пышно зеленеет! Уроки Ольги Захаровой далеки от сухой теории//Учительская газета, 21 апреля 2015.
- 5.3. Мирзақобилова М. Маҳорат мактаби ва журналист ихтисослашуви//Hurriyat, 19 июнь, 2013.

- 5.4. Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув//Ўзбекистон матбуоти. – 2014. – №1.
- 5.5. Саидов Х. Журналистикада ихтисослашув муҳимми ёки универсаллик?//Ўзбекистон матбуоти. – 2008. – №1.
- 5.6. Тўлаганов Ш. Таълим, тарбия тинчлик ва тараққиёт гарови//Hurriyat, 10 сентябрь, 2014.
- 5.7. Til va adabiyot ta'limi, 2013. – №2.
- 5.8. Gulxan, 2013. – №12.
- 5.9. Boshang'ich ta'lim, 2013—2014 йил йиғма жилди.
- 5.10. Ma'rifat, 2014, 2015, 2016 йил тахлами.

V. Интернет манбалари:

- 6.1. <http://www.uzapi.gov.uz>
- 6.2. <http://www.books.ru>
- 6.3. <http://commons.wikimedia.org>
- 6.4. <http://www.google.com>
- 6.5. <http://www.twirpx.com>
- 6.6. <http://www.ug.ru>
- 6.7. <http://ps.1september.ru>
- 6.8. <http://uchildiz.uz>
- 6.9. <http://www.1september.ru>
- 6.10. <http://rus.kiziltan.ru>
- 6.11. <http://www.marifat.uz>
- 6.12. <http://www.bt-jurnal.uz>
- 6.13. www.jrn1st.ru